Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 28 июнь
ПАЙШАНБА
№ 145 (4.938).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СЪЕЗДОЛДИ ЎЙЛАРИ

ЧИРОҚ КЎТАРГАН ОРТДА ЮРМАЙДИ

Муаллифимиз ҳақида икки оғиз: 1953 йили туғилган. Инженер-механик. 1982 йилгача район қишлоқ хўжалик техникаси бирлашмасида инженер, 1982—1984 йиллари — район партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири, 1984 йили — область партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг инструктори, 1985 йилдан Олот район партия комитетининг иккинчи секретари, 1989 йил январидан район партия комитетининг биринчи секретари. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида Марказий Комитет аъзолигига сайланган.

—Биз ҳамиша «Партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шаъ рафи ва виждони» эканлигини таъкидлаб келдик. Коммунистик партиянинг бугунги аҳволини қандай баҳолаш мумкин?

Истеъмол бозоридаги тақчиллик ҳам, магазинлардаги бўм-бўш пештахталар ҳам, қимматлашиб бораётган нархнаволару социал соҳадаги камчиликлар ҳам, миллатлараро муносабатлардаги можаролар, социализмни янгилаш борасидаги қийин ва мураккаб жараёнлар ҳам — ҳаммаси шундай бир тугунни ташкил этадики, уни ечиш қийин кечаяпти. Одамлар: «Нима қилиш керак!». «Бундан буён қайси йўлдан бориш керак?» — деган саволларга жавоб изламоқдалар. Қайта қуриш жараёнидаги энг катта нуқсонлардан бири кўпгина қарорлар шошма-шошарлик билан қабул қилинганида. Бу эса кишилардаги ишончга путур етказди. Ундан қайта қуришга қарши кучлар — бузғунчилар, ғғвогарлар усталик билан фойдаланиб, ҳозирги инқилобий жараёнларни обрўсизлантиришга уринмоқдалар. Қайта куришдан воз кечиб, ўтмишга қайтишга тайёр қайфиятдаги одамлар ҳам йўқ эмас. Ҳақиқатда ўтган йиллари яхши эди, ҳамма нарса бор эди, деган гапларни эшитиб қоламиз. Тўғри, оз бўлса ҳам бор эди. Лекин улар ортида не-не иллатлар, жиноятлар яширин эди.

Бугун биз халқ орасида бўлишимиз, аччиқ ҳақиқатни очиқ-ойдин тушунтириб беришимиз, ишимиз яхшиланиб боришига шонч уйғотишимиз керак. Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг йўриғи шу. Ҳа, қайта қуриш қийин кечаяпти. Чунки бу — иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам, маънавиятда ҳам ҳақиқий янгиланиш, покланиш инқилоби. Эндиликда биз ўзлигимизни, қадр-қимматимизни сеза бошладик, ўзимизни эркин ҳис этяапмиз. Инсон илк бор ҳамма нарсадан устун қўйилди. Танлаб олган йўлимиз ҳақлигига шубҳа йўқ. Бу йўлда тўхтаб қолиш мумкин эмас, орқага қайтиш эса — хавфли. Ягона йўл партиянинг қайта қуриш йўли, гарчи қийинчиликлар билан бўлса ҳам шу йўлдан илгарилаб боравераміз.

Ишончим комилки, инқилобий қайта қуришни бошлаган партиямиз бундан буён ҳам ўша ленинча таърифга муносиб бўлиб қолади. Бунинг учун ўзида куч, омил топади, албатта. Жамият ҳаётининг барча жиҳатларини демократиялаш, тўла ошкоралиги таъминлаш вазифасини илгари суриб, партиямиз беқиёс жасорат намунасини кўрсатди. Бугунги кунда баъзилар у қилмади, бу қилмади дея партияга ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам ҳуружни кучайтириб юборишди. Бу ҳол КПСС XXVIII съезди арафасида айниқса яққол намоён бўлаяпти. Тўғри, ҳозир турлича фикрлар билдириш мумкин. Лекин партиянинг совет жамиятини барпо этиш, уни мустаҳкамлаш, чет эл босқинчилари ҳуружидан сақлаб қолишдаги сиёсий-ташкилотчилик фаолиятини эътироф этмаслик ҳам мумкин эмас. Тасаввур қилинг: ота-боболаримиз янги ҳаёт қуришга киришганларида қўлларида бирор андоза йўқ эди. Аммо ижтимоий-сиёсий ўзгартишлар йўлидан дадил боравершди, эл-юртни ҳозирги даражасига олиб келишди. Буни унутиш нонкўрлик эмас-ми?

Область партия конференциясида партиянинг мавқеини сақлаш ҳақида гапирдим. Бунинг учун нима қилишимиз керак? Партиямизнинг шаънишавкатини кўтаришнинг ягона йўли — изчил амалий ишдир. Халқ гапдан тўйди. Чинакам ишни, унинг натижасини кутаяпти.

Тўғри, ўтмишда кўп камчиликлар рўй берди. Қатағон йилларини, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш мобайнидаги бошбошдоқликларни, турғунлик йиллари асоратини унутиб бўладими? Аслo Партия обрўсига шулар путур етказди. Районимизнинг ўзида пахтачилик билан боғлиқ суиистеъмолликлари учун саксонга яқин киши жазоланди. Шулардан кўплари коммунистлар, катта-кичик раҳбарлар эди. Кўрдингизми, партияни обрўсизлантирганлар —ўз манфаатини, ҳузур-ҳаловатини устун қўйган кимсалар. Партия эса бутун бир қудратли ташкилотки, у ҳеч қачон халққа жабр келтирувчи бирор режа тузмаган, ҳамиша халқ бахт-саодатини кўзлаб иш олиб борган.

Ўзбекистон Компартияси XXII съездида жумҳурият партия ташкилотлари янги давр даражасида бўлиши — қайта қуришнинг ҳақиқий етакчилари даражасига кўтарилиб олишлари лозимлиги ҳақида гапирилди. Бу жараённинг асосий йўналишлари нималардан иборат? Аввало, партиянинг ўзи янгиланиши, ўз ишининг усул ва услубларини қайта қуриб олиши — асосий йўналиш. Жамиятдаги инқилобий ўзгаришлар ғоясини илгари сурган партия ўз фаолиятини шунга яраша қайта қурмаса бўлмайди. Партия теварагидаги гап-сўзларнинг сабаби ҳам шу янгиланиш кечикканлигидан, албатта.

Иккинчи йўналиш — партия қуйи бўғинларининг ҳаётини жонлантиришдан иборат. Бунинг учун ҳар бир коммунистнинг фаоллиги, бутун ташкилот обрўси учун куйинчаклигини ошириш керак. Зеро, бошланғич ташкилот ҳар бир коммунистнинг ташаббускорлиги, қизғин ижодий фаолияти туфайли кучлидир. КПСС Устави лойиҳасида бу борадаги қоидалар аниқ таърифланган.

Қаранг, бирор раҳбарга муайян топшириқ берсанг, тез бажарилади. Шу топшириқни партия ташкилотининг секретари уддалай олмайди. Чунки ҳукм, ҳуқуқ, муҳр — раҳбарда. Партия етакчисида нима бор? Районимиздаги саксонта бошланғич партия ташкилотининг етмиш иккитасига асосий ишидан озод қилинмаган кишилар котиб. У ҳар жиҳатдан раҳбарга қарам, унинг измидан чиқолмайди. Бу аҳволда унинг ташаббускорлиги-ю ғайрат-шижоати қаёққа ҳам борарди. Шу жиҳатдан Устав лойиҳасида қуйи бўғин, хусусан, бошланғич партия ташкилоти мустақиллигини, ўз-ўзини бошқарувини кучайтиришга доир қоида киритилаётгани ғоят соз.

Лекин масаланинг асосий жиҳати бошқа ёқда. Маълумки, раҳбар ҳам коммунист. Бинобарин, коммунистлар етакчиси билан раҳбар ҳамжиҳат бўлиб ишласа — олам гулистон. Крупская номли колхозни олиб кўрайлик. Хўжалик ўтган йили барча кўрсаткичлар бўйича планни ошириб бажарди. Ҳозирги ишлари ҳам чакки эмас. Меҳнат жамоасида ишчанлик, ўзаро талабчанлик, ишда жонкуярлик муҳити қарор топган. Ҳаммасининг асоси партия комитети билан колхоз правленисининг ҳамжиҳат, ҳамкорлигида. Партком секретари Қорёғди Эргашев ҳам, раис Саъдулла Турдиев ҳам жамоа хўжалиги равнақи учун бир хил масъулликни чуқур ҳис этишади.

«Партия XXII съезди» колхози кўпдан оқсаб келарди. Планлар аранг бажарилар, шунда ҳам даромадда барака бўлмасди. Эсимда, район партия комитети бюросида партия комитетининг ишлаб чиқаришда коммунистлар авангардлигини, масъулиятини ошириш борасидаги ишлари муҳокама қилинди. Партком аъзолари, цех партия ташкилоти секретарлари, кекса коммунистлар, мутахассислар иштирокида хўжаликдаги аҳвол чуқур таҳлил қилинди. Жамоа хўжалигини кўтариб олиш мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак? Ишни нимадан бошламоқ маъқул? Ошкора, хайрихоҳлик руҳидаги суҳбат чоғида ғоят фойдали таклифлар айтилди. Аввало, ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг пировард натижа учун масъулияти оширилди. Интизомни мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинди. Экин майдонларини соғломлаштириш чоралари кўрилди. Икки йилда 70 фоиз ер бетон ариқлар орқали суғоришга ўтказилди, янги зовурлар очилди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси кескин пасайиб, ҳосилдорлик ошди. Колхозчиларнинг иш шароити, дам олиши яхшиланди. Учта дала шийпони қурилди. Раҳбарлар

Ғафур БОТИРОВ. Олот район партия комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

* * *

ҳамиша одамлар орасида бўлиб, уларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олишди. Оқибатда ишлар юриша бошлади. 1988 йили бешта, ўтган йили еттита соҳа бўйича план ошириб бажарилди.

Афсуски, ҳамма бошланғич партия ташкилоти ўз ишини шундай изчил йўлга қўйиб олди, дея олмаймиз. 4-ҳунартехника билим юрти коммунистларининг йиғилишига қатнашганим эсимда. Уша куни комсомол комитети секретари, бюро аъзоларининг ҳисоботини эшитиш мўлжалланган экан. Олти киши 20 минутда (!) ҳисобот берди. Музокара ҳам умумий тарзда ўтди. Комсомол ташкилотчиси фаолиятини коникарли топиб қарор қабул қилиш билан йиғилиш якунланди. Хўш, бундай юзаки ишдан кимга қандай фойда? Йиғилишни тайёрлашга бундай муносабат ўз ишига ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Табиийки, билим юрти коммунистлари охири ўша секретарни бўшатиб тўғри қилишди. Коммунист Баҳодир Очилов бошланғич ташкилот секретарлигига сайланди. Эндиликда аҳвол яхшиланиб бормоқда.

Биз партиявий ишнинг усул ва услубларини қайта қуриш лозимлиги ҳақида кўп гапираяпмиз. Олот партия ташкилоти ўз иш тутимини қандай янгилаётир?

Асосий масала — инсон, унинг эҳтиёжи. Тўғри, биз илгарилари ҳам инсонга ғамхўрлик, одамларга якин бўлиш ҳақида кўп гапирардик. Аммо асосий ҳолларда бу гап-сўзлар ғоят муҳим омил—социал муаммоларни ҳал қилиш билан боғланмасди. Қуруқ гап эса қулоққа ёқмайди. Шунинг натижасида партия ташкилоти, раҳбарларга ихлос сусайди, ишончга путур етди. Одамларда лоқайдлик, бефарқлик кучайди.

Маълумки, сиёсат иқтисодиётнинг мужассами, оқибатидир. Шу боис партиявий қайта қуришни амалий ишларни аниқ, вақтида бажаришни таъминлашдан бошладик. Одамлар орасига кириб, уларнинг орзу-армонларини эшитдик. Дардларига шерик бўлдик. Олот — чекка район. Унинг социал-иқтисодий равнақига эътибор кам бўлган. Шуни айтиш кифояки, ўзининг қирқ етти йиллик тарихи мобайнида район уч марта бошқа районга қўшиб юборилди, уч марта ажратилди. Натижада ободончилик, уй-жой, йўл қурилиши издан чиқди. Ўтган йили йўл қурилишига 180 минг сўм сарфладик. Бу йил 500 минг сўмлик иш бажармоқчимиз. Мақсад ҳамма олис қишлоқларга равон йўл очиш. Ёки мактаб, таълим-тарбия базасини олиб кўрайлик. 25 та мактабдан учтаси яроқсиз. Кўпчилигида ўқитиш икки сменада. Район қайта тикланғач, асосий эътиборни мактаб қурилишига қаратдик. Ўтган йили жами 1100 ўринли учта мактабни битказдик. Ҳозир еттита мактаб қурилиши давом этаяпти.

Қишлоқ хонадонларини газлаштириш билан шу пайтгача деярли шуғулланилмаган. Бизда 73 та катта-кичик қишлоқ бор. Бирон тасида газ йўқ эди. Ҳозирча Ленин номли колхозда 6 километр газ қувури ишлаб турибди. Калинин номли колхозда 8 километрли газ қувури монтаж қилинди. Олот шаҳрини газлаштириш сўрати 2—2,5 марта ошди.

Булар амалий ишларимиз. Кўриниб турибдики, биз ҳар бир масалада аниқликка интиляпмиз. Қуруқ гап, ёлғон ваъдага ўрин қолдирмаяпмиз. Энди бевосита партиявий ишни қандай янгилаб олаётганимиз хусусида. Маълумки, жамоатчилик орасида партия аппарати ходимларига ётсираб қараш кайфияти йўқ эмас. Сабаби — партия ходимлари узоқ йиллар одамлардан узилиб, ажралиб қолишди. Биз ҳар бир ходимнинг ишини аниқ белгилаб қўйдик. Асосий эътибор кўпроқ меҳнат жамоаларига чиқиш, бевосита меҳнатчилар, коммунистлар билан фикрлашиш, уларнинг талаблари, илтимосларини ўрганишга қаратилмоқда. Бевосита мулоқот, фикрлашиш ҳеч ниманинг ўрнини босмайди. Телефон, қоғозбозлик илгари партиявий раҳбарликнинг асосий усули эди. Буларга чек қўйдик.

Райком пленумларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиботи тамомила ўзгарди. Бирида капитал қурилишнинг аҳволи, район партия ташкилотларининг бу борадаги вазифалари кўрилди. Райком аъзолари олдинроқ қурилиш майдонларида бўлиб, иш билан танишиб чиқишди. Қурилишларнинг сифати, шароити, меҳнатни ташкил этиш ва таъминотнинг аҳволи, кичик механизациядан фойдаланиш даражасини ўрганишди. Ана шунда пленумнинг ўтишини кўрсангиз. Рўйхат бўйича минбарга чиқаришлар бўлмади. 21 киши сўзга чиқди. Оқибатда вазифалар лўнда, аниқ белгиланган қарор қабул қилинди.

Кейинги пленумда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, спорт ишларининг аҳволи кўриб чиқилди. Энди райком аъзолари раҳбарлар, мутасаддилар ўртоқлар билан суҳбатлашиб, савол-жавобларни магнит лентасига ёзиб олишди. Йиғирма минутлик маърузадан кейин бир соат мобайнида ленталардаги ёзувлар эшитилди. Раҳбарларнинг савияси, масалага муносабати кўриндиколди. Иккинчи томондан улар ҳам ўзларига четдан бир нигоҳ ташлаб олишди.

Ҳа, бир қолипдаги ишлардан воз кечишнинг самараси бўлак. Фикрлар равшанлашади, қарорлар амалий тус олади. Уларни бажариш учун масъулият ҳам бўлакча ҳис этиладди. Илгари эса пленум ўтди, қарору нутқлар папкаларга тикилди, тамом-вассалом эди. Ҳозир райком бюроси мажлислари кун тартибининг 90 фоизини қабул қилинган қарорлар ижроси билан боғлиқ масалалар ташкил этмоқда.

Ҳозирги ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги шароитида партия ходимининг бир фазилати устун бўлиши керак. Бу—вазминлик, босиқлик, сабр-тоқат. Кўпинча суҳбатлар, учрашувлар чоғида фикрлар ҳар хил бўлиб қолади Бу — табиий, албатта. Биз ҳамиша ҳар қандай гапни, гоҳида бу гап нечоғлик аччиқ бўлса ҳам охиригача эшитишимиз, босиқлик билан фикрлашишимиз керак. Маъмурий-буйруқбозлик даврининг нишонлари — дўқ-пўписа, таҳдид кетмайди.

Биз одамлардан пинҳона тутадиган ишимиз, гапимиз йўқ. Елғон-яшиқ ваъдамиз ҳам бўлмайди. Андишали, сабр-тоқатли, матонатли халқимиз бор. Лекин унинг бу фазилатини суиистеъмол қилмаслигимиз керак. Яхши гап билан илон ҳам инидан чиқади. Эндиги асосий ишимиз тушунтириш, масаланинг моҳиятини англатиш, тўғри ечимлар топишдан иборат. Шундай бир муаммо бор эди: «Янги ҳаёт» совхозини ташкил этиш чоғида унинг 60 гектар ери «Шарқ юлдузи» колхози тасарруфида қолиб кетганди. Орада саккиз йил ўтди. Совхоз ўз ерини олишга ҳаракат қилди, лекин масала ҳамиша очиқ қолиб кетаверди. Биз нима қилдик? Оксоқоллар, мутахассислар билан колхозга бордик. Ер тузилиши харитасини очиб кўрдик. Шу пайтга келиб совхознинг давлатдан қарзи 4 миллион сўмдан ошиб кетганди. Колхоз бўлса нақд 5 миллион сўм жамғармага эга эди. «Бир юрт, бир эл, бир районда яшаб, нахотки совхозни шу аҳволда қолдирамиз!» — дедик. Колхозчилар рози бўлишди — тугун ечилди.

Одамларимиз — мардона, тўғри, рўйи рост гапнинг қули. Уларга мардона рўбарў бўлсангиз, тушунишади, фикрингизни қабул қилишади. Орқаваротдан, писмиқона иш юритсангиз асло кечиришмайди. Қарабсизки, жамоат бир томонда, сиз — бошқа томонда. Бундай вазиятда обрў бўладими? Ишонч тикланадими? Сизга эргашишадими? Ҳолбуки, партиямиздаги бугунги ачинарли ҳолат мана ўша тўрачилик, ўзига маҳлиё бўлиб, одамлардан узилиб қолганлик оқибатидир.

Кўпинча ўзимга бир саволни бериб қоламан: «Биз баъзи нарасларни бой бериб қўймаяпмизми? Демократиялаш деймиз, муқобил номзодлар деймиз-у, лекин ишчан, савияли, талабчан кадрларимизни йўқотиб қўймаяпмизми? Гоҳида маҳаллийчилик, меҳнат жамоасининг худбинлик кайфияти устун келиб қолмаяптими? Айтайлик, меҳнат жамоаси муқобил номзодлар қўйиш асосида ўзига раҳбар сайламоқчи. Шу пайтда у қандай кишиларни афзал кўради? Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, одамлардаги маънавий-руҳий савия бўш-баёв, мўмин-қобил, кўнгилчан раҳбарларга мойил. Хўш, бундай ёндашув оқибатида нима бўлади? Меҳнат жамоасининг эртанги куни қайси бекатда қолади? Ҳалигидай раҳбар учун овоз бераётиб, одамлар кўпинча шу жиҳатларни ўйлашмайди. Нима бўлса бўлсин, ўзимизники ўтсин, — дейишади.

Назаримда биз кўпинча удум қурбонлари бўлиб қолаётганга ўхшаймиз. Бирор янгилик бўлса, ҳамма жойга сунъий тиқиштира берамиз. Оқибатда раҳбарлик ишларига тилию дили бўлак, сафсатабоз одамларнинг ўтиб кетиш ҳоллари учрамоқда.

Партия кадрлар билан ишлашни, уларни таниш, жойжойига қўйиш ишини ўз қўлида сақлаб қолиши керак. Айни пайтда яқин-яқинларда авж олиб кетган таниш-билишчилик, порахўрлик сингари салбий ҳолатлардан ўзини покиза сақлаши лозим. Бошланғич партия ташкилотларидаги соғлом кучларга таяниш, уларнинг фикрини ўрганиш ва ишбатда тутиш, кадрлар лаёқатини амалий ишларда босқичма-босқич синаб бориш бунинг гарови бўла олади.

Ҳозир ишлар кўп. Районимизда 16,5 минг гектар экин майдони бор. Шунинг 1100 гектарга яқинини одамларга томорқа ери учун бўлиб бердик. Йилига ўртача 650 ёш оила таркиб топмоқда. Ҳар бирига чорак гектардан томорқа керак. Қурилишлар ҳам талайгина ерни эгаллаб олаяпти.

Хўш, бу аҳволда ўн йилдан кейин нима қиламиз? Сув ресурси ҳисобли, янги ер очиш имкони йўқ. Ҳозирча ерни мелиорациялаб, алмашлаб экишга, ижарага ўтиш, ариқларни бетон билан қоплаш орқали кун кўриб туриш мумкин. Лекин бу имкониятларнинг ҳам чеки бор-ку?

Етиштирилаётган маҳсулотларни нобуд қилмай қайта ишлаш, сақлаш учун омборхоналар, кичик корхоналар қуришимиз керак. Бу йил 1 миллион шартли банка консерва тайёрловчи цех қураяпмиз. 600 тоннали омборхона ишга тушади. Қуввати тўрт маротаба ортиқ консерва цехи лойиҳаси тайёр. Яна битта катта омбор қурмоқчимиз. «Оқолтин», Навоий номли колхозларда шундай қурилиш олиб бораяпмиз. Томорқа ерларидан бу йил 8 минг тонна сабзавот олиш кутиляпти. Ҳаммасини сақлаб қолиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш керак.

Хохлаймизми-йўқми, бозор иқтисодиётига ўтамиз. Районимизда жон бошига ўртача жамғарма ниҳоятда кам. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси съездида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси масаласи кескин қилиб кўйилди.

Энг оғир муаммомиз —ишсизлик. Ҳозир бизда 2500 дан зиёд киши ижтимоий меҳнатда банд эмас. Бунга аҳоли йил сайин 2500 кишига кўпайиб бораётганлигини қўшсак, аҳвол қанчалик мушкуллиги аён бўлади. Ишламаётганларнинг кўплари ўқишни, армия хизматини тугатиб келган ёшлар. Болали аёллар ҳам анчагина. Ишсизликнинг биринчи сабаби — иш ўринлари кам. Иккинчиси — социал: боғчаясли ниҳоятда оз.

Мана шу жумбоқларни ечиш йўлларини излаяпмиз. Бюро аъзолари, халқ депутатлари район Совети билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ҳозир районда автобаза, ўрмон хўжалиги, қўриқхона ташкил этиш чораларини излаяпмиз. Яқин фурсатда ремонт-қурилиш участкаси, пахта тозалаш заводи қуриш масаласини кўяяпмиз. Хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси ташкил этиб, юзга яқин кишини иш билан таъминладик.

Истиқбол режаларимиз аниқ. Биз вужудга келган долзарб муаммоларга ечим топишимиз керак. Акс ҳолда партия раҳнамолиги самара келтиришига халқимизни ишонтира олмаймиз. Олот районида қайта ташқил этилгач, коммунистларда барча меҳнаткашларда ишга муносабат кескин ўзгарди. Бу қайта қуриш самараларига ишончни мустаҳкамлоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов 25 июнь куни ўтказган кенгашда Тошкент шаҳри аҳолисини гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳри ва вилояти партия, совет идораларининг, Ўзбекистон ССР Госплани, давлат-кооперация қишлоқ хўжалиги қўмитасининг, жумҳурият Савдо, Соғлиқни сақлаш, Автомобиль транспорти, Ички ишлар вазирликларининг, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўлининг раҳбарлари неча марталаб қилинган огоҳлантиришларга қарамай, тегишли хулосаларни чиқариб олмаганликлари ва натижада шаҳарликларни мева-сабзавот маҳсулотлари ва гўшт билан таъминлашнинг аҳволи ҳали ҳам жуда мушкул бўлиб турганлиги қайд этилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган ёзги ярмаркалар етарли равишда ташкил этилмаган, кооператив-гўшт билан савдо қилишда узилишлар бўлиб турибди, колхоз бозорларида сабзавот ва меванинг айрим турлари нархи ҳамон ошиб бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекбирлашув бошқарувининг, Тошкент шаҳри маҳаллий Советлари ижроқўмларининг, Тошкент деҳқончилик-саноат қўмитаси ходимларининг иши қаттиқ танқид қилинди, улар маҳсулот тайёрлаш ва сотишни ташкил этишда ҳамон имиллаш ва сусткашликка йўл қўяётганликлари айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат маҳсулотларини жумҳурият ташқарисига олиб кетишни чеклаш хусусидаги қарори тўла-тўкис бажарилмаяпти. Бу нарса кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қатъиятсизлиги ва кўпинча чалакам-чатти чоралар билан чекланаётганлигининг оқибатидир.

Саноат корхоналарида, талабалар шаҳарчаларида, мева-сабзавот савдосининг ташкил этилиши жуда ташвишли аҳволга ташлаб қўйилган. Айрим раҳбарлар ва меҳнат жамоаларининг кенгашлари ўз ходимларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда лоқайдлик қилаётганликлари қайд этилди.

Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида, саноат корхоналари яқинида ва ҳудудида савдо объектларини қуриш учун маблағларни бирлаштириш соҳасида колхоз ва совхозлар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш масалалари билан етарли равишда шуғулланмаяптилар.

И. А. Каримов ўз нутқида бутун куч-ғайратни Тошкент шаҳрини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга сафарбар қилиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, Тошкент шаҳар Шўросига саноат корхоналари, талабаларнинг ётоқхоналари яқинидаги, маҳаллалардаги ва шу каби жойлардаги мева-сабзавот маҳсулотлари сотадиган мавсумий дўконларнинг жойланишини ўн кун муддат ичида кўриб чиқиш, шаҳар саноат корхоналари билан Тошкент вилоят колхоз ва совхозлари ўртасида июль ойининг биринчи ярмида бевосита шартномалар тузишни ниҳоясига етказиш таклиф қилинди. Савдо тармоғини кенгайтириш ва таъминотни яхшилаш мақсадида бу ишга жумҳурият савдо вазирлигининг чакана савдо корхоналарини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига, Савдо вазирлигига, Ўзбекбирлашувга, Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат қўмитасига иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланиш, савдо, тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқларининг майда корхоналарини, умумий овқатланиш объектларини ижарага, жамоа ва хусусий мулкка дадилроқ топшириш тавсия қилинди.

Жумҳурият Молия вазирлигига матлубот кооперациясининг чорва ва парранда ҳарид қилиш ҳамда сотиш ҳаражатларини қоплаш учун маблағларни топиб, унга бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида мева-сабзавот маҳсулотлари кўплаб тайёрланадиган даврда вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган штаб тузишга қарор қилинди. Жумҳурият вилоятларидан Тошкент шаҳрига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиб келтиришнинг аниқ жадвалини ишлаб чиқиш, мева ва сабзавотни завод ва фабрикаларда, йирик умумий овқатланиш корхоналарида сақлаш учун қўшимча жойларни қидириб топиш, шу иш учун маҳсулот асрашнинг халқ усулларидан ва табиий шароитдан фойдаланиш тавсия этилди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш, уни ҳеч нобуд қилмай меҳнаткашлар дастурхонига етказиб беришга тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кенгаш қатнашчиларининг эътибори қаратилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари С. М. Мамарасулов, А. И. Фозилбеков ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков қатнашдилар.

Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозида ғўза қатор ораларига ишлов бериш агротехника талаби даражасида олиб борилмоқда. Беллашувда Сожирахон Ботирқулова бошлиқ бригада байроқдор. Жорий йилда 114 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,5 центнердан хирмон кўтаришга аҳд этган меҳнат аҳли ҳозирга қадар ниҳолларни уч марта культивация қилиб, бир марта оби ҳаётга қондирди.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР халқ депутати, илғор бригада бошлиғи Сожирахон Ботирқулова.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

Кеча, газета саҳифаланаётганда Шофиркондан кўнгироқ қилиб, қуйидаги хушхабарни етказишди:

Район чорвадорлари катта зафар қучишди. Улар режадаги 776 тонна ўрнига 794 тонна гўшт топшириб, беш йилликнинг ҳал қилувчи йили биринчи ярмини ёруғ юз билан якунлашди. Давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 337 тонна кўп гўшт етказиб берилди.

Қўлга киритилган муваффақиятда «Ленинград», И. Мўминов номли, «Шофиркон» колхозлари, «Ғалаба» қорақўлчилик совхози, қорамолларни бўрдоқига боқиш корхонаси чорвадорларининг ҳиссаси айниқса салмоқли бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ М. М. МИРҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мираҳмад Мирҳожиевич Мирқосимов Ўзбекистон ССЖ Халқ назорат комитетининг раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Советининг раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Б. Ф. САТИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Фёдорович Сатин бошқа ишга ўтиши ва жумҳуриятдан ташқарига кетиши муносабати билан Ўзбекистон ССЖ Халқ назорати комитетининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Советининг раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Жиззах вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Унинг қатнашчилари Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганини ва КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март пленуми қарорлари ижросига доир вазифаларни муҳокама қилдилар.

Пленумда Жиззах вилоят партия комитетининг биринчи котиби Э. Т. Турсунов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қонуни

МАТБУОТ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Матбуот эркинлиги**

Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари эркиндир.

Фуқароларнинг СССР Конституцияси кафолат берадиган сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги фикрларни, эътиқодни изҳор этиш ҳуқуқини, ҳар қандай шаклда, жумладан, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари шаклида ахборот ва гояларни излаш, танлаш, олиш ҳамда оммалаштириш ҳуқуқини билдиради.

Оммавий ахборот цензурадан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

2-модда. **Оммавий ахборот воситалари**

Ушбу Қонунда оммавий ахборот воситалари деганда оммавий равишда тарқатиладиган матбуот, аудио ва аудиовизуал хабарлар ва материаллар тушунилади.

Оммавий ахборот воситалари деганда газеталар, журналлар, теле ва радио программалар, ҳужжатли кино, оммавий ахборотни ошкора тарқатишнинг ўзга даврий шакллари тушунилади.

Оммавий ахборот воситалари вақтли матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари (ахборот агентликлари, оммавий ахборот тайёрлаш билан шуғулланувчи ўзга муассасалар)дан иборат бўлади.

3-модда. **Оммавий ахборот воситаларининг тили**

Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини ўзи хизмат қиладиган ёки манфаатларини ҳимоя қиладиган халқларнинг тилларидан фойдаланиб амалга оширади. Оммавий ахборот воситалари оммавий ахборотни ўзга тилларда оммалаштиришга ҳақлидир.

Давлат СССР фуқароларининг оммавий ахборотни олиш ва тарқатиш чоғида СССР халқларининг тиллари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайди.

4-модда. **Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти**

Оммавий ахборот воситасининг редакцияси ўз Низоми асосида иш олиб борадиган ҳуқуқий шахсдир.

Редакция иқтисодий мустақиллик ва хўжалик ҳисоби шартлари билан ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Оммавий ахборот воситаларига давлат дотациялари бериш тартибини ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг қонунлари белгилаб беради.

5-модда. **Сўз эркинлигини суиистеъмол этишга йўл қўйилмаслиги**

Давлат сирини ёки қонун билан махсус сақланадиган ўзга сирни очиш, мавжуд давлат ва ижтимоий тузумни зўрлик билан ағдариб ташлаш ёки ўзгартиришга даъват қилиш, урушни, зўравонлик ва шафқатсизликни, ирқий, миллий, диний мумтозликни ёки тоқатсизликни тарғиб қилиш, ахлоқсиз суратларни тарқатиш учун, ўзга жиноий йўл билан жазоланадиган хаттиҳаракатлар қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиш, уларнинг шанига ва қадр-қимматига тажовуз қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тақиқланади ва қонунга мувофиқ жазоланади.

6-модда. **ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлари**

Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонундан ҳамда шу Қонунга мувофиқ чиқариладиган СССРнинг бошқа ҳужжатларидан, шунингдек, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларидан, ўзга қонун ҳужжатларидан иборат.

II БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

7-модда. **Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқи**

Халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган кооператив, диний, ўзга бирлашмалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, 18 ёшга тўлган СССР фуқаролари оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситасининг бирор турини (матбуот, радио, телевидение ва бошқаларни) монополия қилиб олишга йўл қўйилмайди.

8-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш**

Оммавий ахборот воситасининг редакцияси ўз фаолиятини тегишли оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганидан сўнг амалга оширади.

Умумиттифоқ муштарийларига мўлжалланган оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза муассислар томонидан СССР Министрлар Кенгаши белгилаб қўядиган давлат бошқарув идорасига, жумҳурият ёки маҳаллий муштарийларга мўлжалланган оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза эса тегишли ижро этувчи ва идора қилувчи органга топширилади. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза у олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг қонун ҳужжатлари билан жумҳурият ёки маҳаллий муштарийларга мўлжалланган оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш ўзга давлат идоралари зиммасига юклатилиши мумкин.

Чет эллардаги муштарийларга мўлжалланган оммавий ахборот воситалари СССР Министрлар Кенгашида ёки иттифоқдош жумҳуриятнинг Министрлар Кенгашида рўйхатга олинади.

Оммавий ахборот воситаларини чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб бир йил давомида сақланиб туради. Ана шу муддат ўтказиб юборилган тақдирда рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

9-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) муассис;

2) оммавий ахборот воситасининг номи, тили (тиллари), қаерда жойлашганлиги;

3) кўзда тутилаётган муштарийлар;

4) программавий мақсадлари ва вазифалари;

5) оммавий ахборот воситасини чиқаришнинг кўзда тутилаётган даврийлиги, энг катта ҳажми ҳамда пул билан таъминланиш манбалари.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш чоғида ўзга талаблар қўйиш тақиқланади.

10-модда. **Рўйхатдан ўтказилмай ахборот тарқатиш ҳоллари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, ўзга давлат идоралари расмий норматив ҳужжатлар ва ўзга ҳужжатларни, суд ва ҳакамлик амалиёти ахборотномаларини нашр этиш учун рўйхатдан ўтказмай ахборотни оммавий тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхоналар, ташкилотлар, ўқув ва илмий муассасалар ўз фаолиятида зарур бўлган ахборот материаллари ва ҳужжатларни рўйхатдан ўтказмай тузиш ва оммалаштиришга ҳақлидирлар. Техника воситалари ёрдамида оммавий тарқатиш учун мўлжалланмаган ёки қўлёзма ҳуқуқида кўпайтириладиган матбаа, аудио — ва аудиовизуал маҳсулотларни тайёрлашга доир фаолият рўйхатдан ўтказишни талаб қилмайди.

Бир минг нусхадан кам матбаа маҳсулоти чиқарганда оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

11-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш фақат қуйидаги асосларга мувофиқ рад этилади:

1) агар оммавий ахборот воситасининг номи, унинг программавий мақсадлари ва вазифалари ушбу Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисми қоидаларига зид бўлса;

2) агар рўйхатга олувчи идора илгари худди шу номдаги оммавий ахборот воситасига гувоҳнома берган бўлса;

3) агар ариза оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонуний тусга кирган кундан бошлаб бир йил ўтмасдан олдин берилган бўлса.

Рўйхатга олишни рад этиш рад этишнинг ушбу Қонунда кўзда тутилган асослари кўрсатилиб, ёзма равишда аризачига юборилади.

12-модда. **Рўйхатга олиш йиғими**

Оммавий ахборот воситаси рўйхатга олингани тўғрисида гувоҳнома бериш учун ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда рўйхатга олиш йиғими ундирилади.

13-модда. **Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этишни тўхтатиш**

Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган идоранинг ёхуд суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган идора ёки суд ушбу Қонун 5-моддаси биринчи қисми талабларидан бирининг давомида такроран бузилган тақдирда уни чиқариш ёки нашр этишни тўхтатиб қўяди.

Агар оммавий ахборот воситаси бир йилдан буён чиқарилмаётган ёки нашр этилмаётган бўлса, уни қайтадан чиқариш ёки нашр этиш учун рўйхатга олиш тўғрисидаги янги гувоҳнома талаб қилинади.

Агар муассис оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда унинг редакцияси меҳнат коллективи ёки муҳаррири (бош муҳаррири) ўша ном билан оммавий ахборот воситасини таъсис этиш учун устун даражада ҳуқуққа эгадир.

14-модда. **Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш, шунингдек, унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят қилиш тартиби**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш ёки давлат идораси томонидан рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган бир ойлик муддатни бузиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор хусусида муассис ёки редакция томонидан судга шикоят қилиниши мумкин ҳамда суд томонидан кўриб чиқилади, жумладан, мулкий низоларни фуқаро процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этишни ёки унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарорни қонунга зид, деб ҳисоблаш шикоят қилинган қарорларнинг бекор қилинишига олиб боради. Оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг бекор қилиниши муассис, редакция ва ноширга етган зарарни, шу жумладан, олинмай қолган даромадларни тўлашга сабаб бўлади.

15-модда. **Оммавий ахборот воситасининг муассиси, муҳаррири, редакцияси ва ношири**

Муассис оммавий ахборот воситаси фаолиятининг программасини (асосий қоидаларини) тасдиқлайди. Оммавий ахборот воситасини чиқариш билан шуғулланадиган редакция ёки ўзга муассаса программани касб жиҳатидан мустақиллик асосида амалга оширади.

Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситаси муассиси томонидан тайинланади ва ишдан бўшатилади ёки редакция Низомида кўзда тутилган тартибда сайланади ва ишдан озод қилинади. Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситаси таҳрир ҳайъати ва редакцияси ишига раҳбарлик қилади, муассис, ношир, муаллифлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг бошқа бирлашмалари ва фуқаролар билан муносабатда, шунингдек, судда оммавий ахборот воситаси номидан иш олиб боради.

Муҳаррир (бош муҳаррир) ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига нисбатан қўйиладиган талаблар бажарилиши учун жавобгардир.

Таҳрир ҳайъати редакция Низомида белгилаб қўйилган тартибда тузилади. Муҳаррир (бош муҳаррир) таҳрир ҳайъатининг раисидир.

Оммавий ахборот воситасининг муассиси, худди шунингдек, оммавий ахборотни ишлаб чиқаришни (кўпайтиришни, чиқаришни) моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаётган нашриёт ёки ўзга ҳуқуқий шахс унинг ношири бўлиши мумкин.

16-модда. **Оммавий ахборот воситасининг редакция Низоми**

Оммавий ахборот воситасининг редакция Низоми редакция журналистлар жамоасининг умумий йиғилишида жамоа аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган пайтда кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади.

Редакция Низоми муассис, муҳаррир (бош муҳаррир) ва редакциянинг муносабатларини, журналистлар жамоасининг ваколатларини тартибга солиб туради. Низомга оммавий ахборот воситаси фаолиятидан олинадиган даромадни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги қоидалар ва бошқа қоидалар киритилади.

Редакция Низоми қонунларга зид бўлмаслиги лозим.

17-модда. **Оммавий ахборот воситаси муассиси, редакцияси ва ношири нинг ишлаб чиқариш, мулкий ва молиявий муносабатлари**

Оммавий ахборот воситаси муассиси, редакцияси ва ношири нинг ишлаб чиқариш, мулкий ҳамда молиявий муносабатлари амалдаги қонунлар ва шартнома асосида қурилади.

Шартномада қуйидагилар белгилаб қўйилади:

редакцияни сақлаш учун маблағ;

оммавий ахборот воситаси фаолиятидан тушадиган даромад (фойда)нинг редакция, муассис ва ношир тасарруфига ўтадиган қисми;

муассис ва ношириннг редакция ходимларининг тегишли даражада ишлаб чиқариш шароитларини, турмуши ва меҳнатининг ижтимоий-маиший шароитларини таъминлашга доир мажбуриятлари;

ўзга қоидалар.

18-модда. **Нашрга доир маълумотлар**

Вақтли матбуот нашрининг ҳар бир сонида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

1) нашрнинг номи;

2) муассис;

3) муҳаррир (бош муҳаррир) фамилияси ва исми шаърифининг бош ҳарфлари;

4) вақтли нашрлар учун чиқарилиш тартиб рақами ҳамда босилиб чиққан санаси, газеталар учун эса, шунингдек босиш учун қўл қўйилган вақт;

5) алоқа корхоналари орқали тарқатиладиган вақтли матбуот белгиси;

6) тиражи;

7) нархи (нашр тижорат йўли билан тарқатилганда);

8) редакция, ношир, босмахона манзилгоҳи.

Телекўрсатув, радиоэшиттириш редакцияси ҳар сафар эфирга чиққанда, узлуксиз эшиттириш чоғида эса бир неча-кундузда камида тўрт марта телекўрсатув, радиоэшиттириш редакцияси номини эълон қилиши шарт.

19-модда. **Назорат нусхалари ва мажбурий нусхалар**

Вақтли матбуот нашрларининг бепул назорат нусхалари босилиб чиқиши билан Бутуниттифоқ китоб палатасига, В. И. Ленин номли СССР давлат кутубхонасига, М. Е. Салтиков—Шчедрин номли давлат халқ кутубхонасига, муассисга, мазкур матбаа нашри рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома берган идорага юборилади.

Матбаа асарларининг назорат нусхалари ва мажбурий нусхалари СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош, автоном жумҳуриятлар Министрлар Советлари белгилаб қўядиган тартибда бошқа муассасалар ва ташкилотларга ҳам жўнатилади.

20-модда. **Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар материалларининг сақланиши**

Телекўрсатув, радиоэшиттириш редакциялари эшиттириш материалларини эфирга чиққандан сўнг бир ой давомида сақлаб туришлари, олдиндан ёзилмай, тўғри эфирга бериладиган эшиттиришларни рўйхатга олиш дафтарини юритишлари ҳамда бу дафтарда эшиттиришнинг мавзусини, вақтини, эшиттириш бошланган ва тугаган вақтни, эшиттиришни олиб борган кишининг фамилияси ва исмини қайд этиб қўйишлари шарт. Бундай эшиттиришларни рўйхатга олиш дафтари унга сўнгги ёзув киритилган кундан бошлаб бир йил давомида сақланади.

III БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ

21-модда. **Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш тартиби**

Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини бевосита ношир ёки шартнома ёхуд ўзга қонуний асосларда алоқа корхоналари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар тарқатадилар.

Оммавий ахборот воситаларининг нашрга доир маълумотлари кўрсатилмаган маҳсулотларини тарқатиш тақиқланади.

22-модда. **Оммавий ахборотни тарқатишга рухсат бериш**

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотининг ҳар бир айрим сонини (нашр маълумотлари кўрсатилган) тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чиқаришга (эфирга) рухсат берганидан кейингина йўл қўйилади.

Вақтли матбуот нашри тиражини муҳаррир (бош муҳаррир) ношир билан келишиб белгилайди.

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотларини қонуний асосда тарқатишга тўсқинлик қилишга, шу жумладан, унинг тиражини бир қисмини тортиб олиш билан тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди, кучга кирган суд қарори асосида тўсқинлик қилиш бундан мустасно.

23-модда. **Расмий хабарлар**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари ана шу органларнинг расмий хабарларини эълон қилишга мажбур.

Редакция суд ёки давлат ҳакамлиги органининг мазкур оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган қарорини бепул ва белгиланган муддатда эълон қилишга мажбур.

IV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

24-модда. **Оммавий ахборот воситаси орқали ахборот олиш ҳуқуқи**

Фуқаролар давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаси орқали ишончли маълумотларни зудлик билан олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситалари ана шундай хабарларни давлат идораларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан олиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларига мавжуд маълумотларни ва ҳужжатлар билан танишиш имкониятини берадилар.

Сўралган маълумотларни тақдим этишдан бош тортганлик устидан оммавий ахборот воситаси вакили юқори органга ёки мансабдор шахсга, сўнгра эса давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан шикоят қилиш учун қонунда кўзда тутилган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

25-модда. **Муаллиф материаллари ва хатларидан фойдаланиш**

Оммавий ахборот воситаларининг муаллифлик ҳуқуқига риоя этган ҳолда журналистика, адабиёт, санъат ва фан асарларидан фойдаланишига йўл қўйилади.

Агар қонунда ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, редакция рад этган материални оммавий ахборот воситасида эълон қилишга мажбур этишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Муштарийларнинг хатларини эълон қилиш чоғида хат мазмунини бузмаган ҳолда матнни қисқартириш ва таҳрир этишга йўл қўйилади.

26-модда. **Раддия ҳуқуқи ва жавоб**

Фуқаро ёки ташкилот оммавий ахборот воситаси редакциясидан эълон қилинган ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва уларнинг шани ва қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни рад этишни талаб қилишга ҳақлидир.

Оммавий ахборот воситасида фуқаро ёки ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинган бўлса, фуқаро ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасида ўз жавобини эълон қилишга ҳақлидир.

Раддия ёки жавоб махсус сарлавҳа билан ёки рад этилаётган хабар берилган ўша саҳифада ва ўша ҳарфлар билан: газеталарда талаблар олинган кундан бошлаб узоғи билан бир ойда, бошқа вақтли нашрларда — тайёрланаётган навбатдаги сонда эълон қилинади.

Раддия ёки жавоб радио ёхуд телевидение диктори томонидан ўша программа ёки эшиттиришлар туркумида ва худди ўша вақтда, талаблар олинган кундан бошлаб узоғи билан бир ойда ўқиб берилади. Жавобни эълон қилиш тўғрисидаги талабни қўйган фуқаро ёки ташкилотнинг ўзига ҳам жавоб билан чиқиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Редакция матни машинка ёзувида одатдаги бир саҳифагача ҳажмдаги жавобни эълон қилишга мажбурдир. Жавоб матнини таҳрир этишга йўл қўйилмайди.

27-модда. **Раддия ёки жавобни эълон қилиш тўғрисидаги аризаларни судда кўриб чиқиш**

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилишдан бош тортган ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган бир ой муддатни бузган тақдирда манфаатдор фуқаро ёки ташкилот маълумот эълон қилинган кундан бошлаб бир йил давомида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд раддия ёки жавобни оммавий ахборот воситаси редакцияси эълон қилиши тўғрисидаги аризани фуқаролик судлов қонунларида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқади.

28-модда. **Ахборот эълон қилинмайдиган алоҳида ҳоллар**

Оммавий ахборот воситаси редакцияси, журналист қуйидагиларга ҳақли эмас:

1) номини айтмаслик шарти билан маълумот берган шахсни айтишга, буни суд талаб қилган ҳоллар бундан мустасно;

2) прокурор, терговчи ёки текширишни ўтказаётган шахснинг ёзма рухсатисиз дастлабки текшириш маълумотларини эълон қилишга;

3) балоғатга етмаган ҳуқуқ бузарнинг шахсини унинг розилигисиз ёки унинг қонуний вакили розилигисиз кўрсатилишига олиб келадиган ҳар қандай ахборотни ошкора қилишга;

4) журналист ўз хабарларида суд мажлисининг аниқ ишлар натижаларини олдиндан ҳал қилиб қўйишга ёки суднинг қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар бошқа йўл билан судга таъсир ўтказишга.

V БОБ. ЖУРНАЛИСТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

29-модда. **Журналист**

Журналист деганда ушбу Қонунга мувофиқ оммавий ахборот воситаси учун материалларни тўплаш, ёзиш, таҳлил қилиш ёки тайёрлаш билан шуғулланувчи, оммавий ахборот воситаси билан меҳнат ёки ўзга шартнома муносабатлари билан боғлиқ бўлган ёхуд унинг ваколатига кўра ана шундай фаолият билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

30-модда. **Журналистнинг ҳуқуқлари**

Журналист қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ахборотни излаш, олиш ва оммалаштириш;

2) журналистлик касби вазифаларини амалга ошириш муносабати билан мансабдор шахслар томонидан қабул қилиниш;

3) ҳар қандай ёзувни, шу жумладан, аудиовизуал техника воситаларидан фойдаланиб қилинган ёзувни, кино ва фотосуратга олишни амалга ошириш, қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

4) журналист гувоҳномасини кўрсатиб, табиий офат юз берган районларда, митингларда ва намойишларда ҳозир бўлиш;

5) олинган материаллар муносабати билан фактларни ва тафсилотларни текшириш чоғида мутахассисларга мурожаат қилиш;

6) ўз эътиқодига зид келадиган материалларни имзоси билан тайёрлашдан бош тортиш;

7) ўз фикрича, редакцияда тайёрлаш чоғида мазмуни бузилган материал остидан имзосини олиб ташлаш;

8) муаллифлик сир сақланишини писанд қилиш.

Журналист, шунингдек, ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

31-модда. **Журналистларни вакил қилиб юбориш**

Оммавий ахборот воситалари давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг идоралари билан келишган ҳолда бу идоралар ҳузурига ўз журналистларини вакил қилиб юборишлари мумкин. Ҳузурига журналист вакил қилинган идоралар уни мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қилишга, стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлашга мажбурдир.

32-модда. **Журналистнинг бурчлари**

Журналист қуйидагиларни қилишга мажбур:

1) ўзи меҳнат муносабатлари ўрнатган оммавий ахборот воситаси режаларини амалга оширишга, редакция Низомига амал қилишга;

2) ўзи хабар қилаётган ахборотнинг тўғрилигини текширишга;

3) ахборотни берган шахсларнинг, агар бундай ахборот биринчи марта эълон қилинаётган бўлса, унинг муаллифини кўрсатиш тўғрисидаги илтимосини қондиришга;

4) муҳаррир (бош муҳаррир) ёки редакция берган топшириқ қонунни бузиш билан боғлиқ бўлса, бундай топшириқни бажариш дан бош тортишга;

5) фуқароларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, миллий қадр-қимматини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишга.

Журналист ушбу Қонундан келиб чиқадиган ўзга бурчларни ҳам бажаради.

VI БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

33-модда. **Халқаро шартномалар ва битимлар**

Оммавий ахборот воситалари соҳасида халқаро ҳамкорлик ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар тузган халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Агар СССРнинг халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Оммавий ахборот воситалари, журналистларнинг касб ташкилотлари, ўзга ижодий уюшмалар оммавий ахборот соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар ва шу мақсадда ҳорижий фуқаролар ва ташкилотлар билан битим тузишлари мумкин.

СССР фуқаролари ҳорижий манбалар, жумладан, бевосита телевизион кўрсатувлар, радиоэшиттириш ва матбуот орқали ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

34-модда. **Хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг, чет давлатларнинг СССРдаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналарининг фаолияти**

СССРга вакил қилиб юборилган хорижий мухбирлар ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари бошқа вакилларининг ҳуқуқий аҳволи ва касб билан боғлиқ фаолияти, шунингдек, чет давлатларнинг СССРдаги дипломатия, консуллик ва бошқа расмий ваколатхоналарининг ахборот билан боғлиқ фаолияти ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунлари, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг тегишли халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

VII БОБ. МАТБУОТ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

35-модда. **Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик асослари**

Сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаронинг ёки ташкилотнинг шанига ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни тарқатиш, журналистларнинг судга таъсир ўтказиши ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунларига мувофиқ жиноий, маъмурий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунларида матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни бошқа тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилиши мумкин.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун бунга айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек, оммавий ахборот воситасининг редакцияси, муҳаррири (бош муҳаррири), тарқатилган хабарлар ва материалларнинг муаллифлари жавобгар бўладилар.

36-модда. **Оммавий ахборот воситалари фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги**

Давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари томонидан журналистларнинг касби билан боғлиқ қонуний фаолиятини амалга оширишларига тўсқинлик қилиш, журналистларни ахборотни тарқатишга ёки тарқатишдан воз кечишга мажбур этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади ва беш юз сўмгача жарима билан жазоланади.

37-модда. **Оммавий ахборотни ғайриқонуний тайёрлаганлик ва тарқатганлик учун жавобгарлик**

Оммавий ахборот воситасини ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олмай туриб ёки нашрни тўхтатиш тўғрисидаги қарордан кейин унинг маҳсулотларини тайёрлаш ва тарқатиш беш юз сўмгача жарима тарзида маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади, жарима халқ судьяси томонидан солиниб, матбаа ёки ўзга маҳсулот тиражи тортиб олинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган қонунбузарлик бир йил давомида такроран содир этилган тақдирда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади ва минг сўмгача жарима солинади, ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган ва айбдорга тегишли бўлган техника воситалари мусодара қилинади ёки айбдор мусодарасиз жазоланади.

38-модда. **Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарликдан халос қилиш ҳоллари**

Муҳаррир (бош муҳаррир), шунингдек, журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материаллар тарқатилганлиги учун қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайдилар:

1) агар бу маълумотлар расмий хабарларда келтирилган бўлса;

2) агар улар ахборот агентликларидан ёки давлат ва жамоат идоралари матбуот хизматидан олинган бўлса;

3) агар улар халқ депутатларининг Советларнинг съездлари ва сессияларидаги, делегатларнинг жамоат бирлашмалари съездлари, конференциялари, пленумларидаги нутқларининг, шунингдек, давлат ва жамоат идоралари мансабдор шахслари расмий нутқларининг сўзма-сўз такрорланишидан иборат бўлса;

4) агар улар олдиндан ёзилмай эфирга берилган муаллиф нутқларида ёки ушбу Қонунга мувофиқ таҳрир қилинмайдиган матнларда келтирилган бўлса.

39-модда. **Етказилган маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш**

Оммавий ахборот воситаси ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаронинг шани ва қадр-қимматига доғ туширадиган ёки унга мулк билан боғлиқ бўлмаган зарар етказадиган маълумотни тарқатиши натижасида етказилган маънавий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) зарар суд қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситаси, шунингдек, айбдор мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қопланади. Маънавий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) зарарни пул билан қоплаш миқдорини суд белгилайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль
1990 йил 12 июнь.

СССР Олий Советининг қарори

«МАТБУОТ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан **қарор қилади:**

1. «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонуни 1990 йил 1 августдан кучга киритилсин.

2. Мазкур Қонуннинг 8 ва 9-моддаларида кўзда тутилган оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қоидалар ушбу Қонун кучга киритилгунга қадар тузилган оммавий ахборот воситаларига нисбатан қўлланилиши белгилаб қўйилсин. Ушбу оммавий ахборот воситалари 1991 йил 1 январгача муддатда рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунда оммавий ахборот воситаларини ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган асосларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилмайди.

3. СССР Министрлар Совети:

1990 йил 1 августга қадар Умуминиттифоқ муштарийларига мўлжалланган оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олувчи органлар доирасини, шунингдек, тегишли оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш учун йиғим ундириш тартибини ва унинг миқдорини белгилаб қўйсин;

1990 йил давомида:

Давлат сири ва ўзга сирларни сақлаш, айрим оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение ва радио фаолияти масалаларини тартибга солувчи қонунлар лойиҳаларини тайёрласин ва СССР Олий Советига тақдим этсин;

Ноширлик фаолиятини такомиллаштириш масаларига доир таклифларни СССР Олий Советига киритсин; матбаа маҳсулотларини чиқариш ва нашр этишни моддий-техник таъминлаш ҳамда муштарийлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча чораларини ишлаб чиқсин;

СССР ҳукумати қарорларини «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунига мослаштирсин.

4. СССР Олий Совети ошкоралик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, ариза ва шикоятлари масалалари комитети, СССР Олий Советининг фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитети фуқароларнинг ахборотга доир ҳуқуқларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрласин ва 1991 йил 1 январга қадар СССР Олий Советига тақдим этсин.

5. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларини «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсинлар.

СССР Олий Советининг раиси
**А. ЛУКЬ

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қонуни

ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ЙЎЛИ БИЛАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советси фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини суд йўли билан муҳофаза қилишни кенгайтириш, меҳнат низолари бўйсуниш тартибида кўриб чиқиладиган ходимлар тоифалари рўйхатини тугатиш мақсадида **қарор қилади:**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонун меҳнат тўғрисидаги амалдаги норматив ҳужжатларни, коллектив шартномани, шунингдек меҳнат тўғрисидаги бошқа битимларни қўлланиш масалалари юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ходимлари билан маъмурият ўртасида вужудга келадиган якка меҳнат низоларини ҳал қилиш тартибини белгилаб беради.

Ходимга янги шароит яратиб бериш ёки мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартиришга доир якка низоларни корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, касаба уюшмаси комитети ва меҳнат жамоаси кенгаши ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасида кўриб чиқадилар.

2-модда. Меҳнат низолари:

1) корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда меҳнат жамоалари сайлаб қўйдиган меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар томонидан;

2) корхона, муассаса, ташкилотлар касаба уюшмаси комитетлари (касаба уюшмаси цех комитети) томонидан;

3) район (шаҳар) халқ судлари томонидан кўриб чиқилади.

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари сайлаб қўйдиган, тасдиқлайдиган ёки тайинлайдиган раҳбар ходимларнинг ишдан бўшатиш, ишдан бўшатиш вақти ва сабаби тарихини ўзгартириш, бошқа ишга ўтказиш, мажбуран ишга чиқолмаган вақт учун ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш ҳамда интизомий жазо бериш масалаларига доир меҳнат низолари юқори органлар томонидан кўриб чиқилади. Мазкур ходимлар ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза билан юқори идорага мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Ходимнинг аризаси бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак.

Ушбу Қонунда белгилаб қўйилган меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби сайлаб қўйилган ходимларга — уларни сайлаган органларнинг қарорига мувофиқ вазифасидан муддатидан олдин бўшатиладиган ходимларга, шунингдек прокурорларга, уларнинг ўринбосарлари, ёрдамчиларига ва прокуратура терговчиларига нисбатан қўлланилмайди.

II. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚУВЧИ КОМИССИЯНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ИШ ТАРТИБИ

3-модда. Камида 15 киши ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияни тузади.

Умумий йиғилиш (конференция)да ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган ва кўпчилик овоз олган номзодлар комиссия таркибига сайланган ҳисобланадилар.

Комиссияни сайлаш тартибини, сонини ва таркибини, ваколат муддатини корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) белгилаб беради.

Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия ўз таркибидан комиссия раисини, раис ўринбосарларини ва комиссия котибини сайлайди.

4-модда. Корхона, муассаса ва ташкилот меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига мувофиқ цехларда ва бошқа шунга ўхшаш бўлинмаларда меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар тузилиши мумкин. Бу комиссиялар бўлинмалар жамоаси томонидан сайланади ҳамда корхоналар, муассасаслар, ташкилотларнинг меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялари ишлайдиган асосларда иш олиб борадилар.

Бўлинмаларнинг меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияларда фақат ана шу бўлинмалар ҳуқуқлари доирасидаги меҳнат низолари кўриб чиқилиши мумкин.

5-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия ушбу Қонунга мувофиқ ва бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқишнинг бошқа тартиби белгиланган масалаларга доир низолардан ташқари, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда юз берадиган меҳнат низоларини кўриб чиқувчи мажбурий бошланғич органдир.

6-модда. Ходимлар ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддатда меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияга мурожаат қилишлари мумкин.

Узрли сабабларга кўра белгиланган муддат ўтказиб юборилган тақдирда меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия бу муддатни тиклаши мумкин.

7-модда. Ходимнинг комиссияга тушган аризаси албатта рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияни ташкилий, техникавий жиҳатдан таъминлайди.

8-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия меҳнат низосини ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Барча низолар ариза берган ходим, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг, касаба уюшмаси комитетининг вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши керак.

Ходимнинг ёзма аризасига мувофиқгина низони сиртдан кўриб чиқишга йўл қўйилади.

Ходим комиссия мажлисига келмаган тақдирда аризани кўриб чиқиш навбатдаги мажлисга қолдирилади. Ходим узрсиз сабабларга кўра иккинчи марта келмаган тақдирда комиссия ушбу аризани кўриб чиқишдан олиб ташлаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин, лекин бу ходимни яна ариза бериш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

9-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия мажлисга гувоҳларни чақиришга, мутахассисларни таклиф қилишига ҳақлидир. Комиссиянинг талаби билан корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти зарур ҳисоб-китоблар ва ҳужжатларни тақдим этишга мажбур.

10-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия мажлиси, агар унда комиссия таркибига сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпроғи иштирок этаётган бўлса, ҳақиқий, деб ҳисобланади.

Манфаатдор ходим ва маъмурият комиссиянинг ҳар бир аъзосини сабабларини кўрсатиб рад этиш ҳуқуқига эгадир. Рад этиш тўғрисидаги масала мажлисда ҳозир бўлган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳал қилинади.

11-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия мажлисда ҳозир бўлганлар кўпчиликнинг овози билан қарор қабул қилади.

Комиссия мажлисида протокол олиб борилади ва уни раис ҳамда котиб имзолайди.

Комиссия мажлиси протоколининг нусхаси 3 кун муддат ичида касаба уюшмаси комитетига ҳамда корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига, ходимга эса ўша муддатда протоколдан кўчирма топширилади. Комиссиянинг қарори протокол асосида расмийлаштирилади, унда:

корхона муассаса, ташкилотнинг тўла номи, комиссияга мурожаат қилган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, комиссияга мурожаат қилган вақти ва низони кўриб чиқиш вақти, низонинг моҳияти, комиссия аъзоларининг, мажлисда ҳозир бўлган маъмурият ва касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмасининг цех комитети) вакилларининг фамилиялари, овоз бериш натижалари ҳамда комиссиянинг қарори сабаблари кўрсатилади.

12-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиянинг қарори устидан манфаатдор ходим ёки маъмурият ўз ҳоҳишига кўра, корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитетига (касаба уюшмаси цех комитетига) ёки халқ судига комиссия мажлиси протоколидан кўчирма ёҳуд унинг нусхаси топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида шикоят қилишга ҳақлидир. Мазкур муддатни ўтказиб юбориш аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўлолмайди. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмасининг комитети (касаба уюшмаси цех комитети), шунингдек халқ суди муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топиб, ана шу муддатни тиклаши ва низонинг моҳиятини кўриб чиқиши мумкин.

III. КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР КАСАБА УЮШМАСИ КОМИТЕТЛАРИ ТОМОНИДАН МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

13-модда. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия қарорига қўшилмаган ходим ёки маъмуриятнинг аризасига мувофиқ меҳнат низоларини кўриб чиқади.

14-модда. Касаба уюшмаси комитетига район касаба уюшмаси комитети ҳуқуқи берилган корхона, муассаса ва ташкилотда корхона, муассаса, ташкилот комиссиясида кўриб чиқилган меҳнат низолари корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети ҳайъати томонидан ҳал қилинади.

15-модда. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиянинг қарорига қўшилмаган ходимнинг ёки корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг аризасини кўриб чиқиш чоғида низонинг моҳияти юзасидан қарор чиқаради.

Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) ўз ташаббуси билан ёки прокурорнинг норозилиги юзасидан, агар меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия қонунга зид қарор қабул қилган бўлса, меҳнат низосини ўзи кўриб чиқиш учун қабул қилиши мумкин.

16-модда. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) меҳнат низосига доир аризани (норозиликни) ариза тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт.

Меҳнат низосига доир аризани (норозиликни) корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) ушбу Қонуннинг 8, 9 ва 10-моддаларида кўзда тутилган тартибга риоя қилган ҳолда кўриб чиқади. Касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) қарори меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия қарорларига қўйиладиган талабларга (ушбу Қонуннинг 11-моддаси) мос бўлиши керак.

Қарор корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) маъмуриятига ва манфаатдор ходимга уч кун муддат ичида топширилади.

IV. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚУВЧИ КОМИССИЯ ҚАРОРИНИ ҲАМДА КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТ КАСАБА УЮШМАСИ КОМИТЕТИ ҚАРОРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ

17-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия қарорини корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти белгиланган муддатда бажармаган тақдирда корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома беради.

Агар корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитетининг (касаба уюшмаси цех комитетининг) меҳнат низоси юзасидан қарор чиқарган қарорни белгиланган муддатда бажармаса, бундай ҳолда ҳам ходимга гувоҳнома берилади.

Гувоҳномада: меҳнат низоси юзасидан қарор чиқарган ёки қарор қабул қилган органнинг номи, қарор қабул қилинган ва гувоҳнома берилган вақт, ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, баҳс моҳиятига доир қарор кўрсатилади. Гувоҳнома корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети раисининг имзоси ҳамда касаба уюшмаси комитетининг муҳри (тегишли ҳолларда — юқори касаба уюшмаси органининг муҳри) билан тасдиқланади.

Башарти ходим ёки корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан касаба уюшмаси комитетига ёки район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилган бўлса гувоҳнома берилмайди.

19-модда. Корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган ва уч ой муддатдан кечиктирмай район (шаҳар) халқ судига кўрсатилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат низоларини ҳал қилувчи комиссия қарорини ёки касаба уюшмаси комитети қарорини мажбурий тартибда ижро эттиради.

Агар ходим белгилаб қўйилган уч ойлик муддатни узрли сабабларга кўра ўтказиб юборса, гувоҳнома берган корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети ана шу муддатни тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

V. РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИДА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

20-модда. Район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари:

а) ходимлар ёки маъмурият меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия қарорига ёки корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) қарорига розо бўлмаган тақдирда уларнинг аризасига биноан;

б) агар меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиянинг қарори ёки корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) қарори қонунларга зид бўлса, прокурорнинг норозилигига биноан кўриб чиқилади.

21-модда. Бевосита район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари:

а) меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссиялар сайланмайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ходимларининг аризасига биноан;

б) меҳнат шартномасини тўхтатиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисидаги, ишдан бўшатиш вақтини ва сабаблари таърифини ўзгартириш ҳақидаги (ушбу Қонуннинг, 2-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ходимларнинг низоларидан ташқари), шунингдек мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш тўғрисида ходимларнинг аризасига биноан;

в) маъмуриятнинг ходим корхонага, муассасага, ташкилотга етказган зарарни тўлаши ҳақидаги аризасига биноан;

г) ходимларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ маъмурият корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети (касаба уюшмаси цех комитети) билан келишган ҳолда ёки биргаликда уларнинг ўзларига берилган ҳуқуқлари доирасида дастлабки тарзда ҳал қилинган меҳнат қонунларини қўлланиш масаласига доир аризаларига биноан кўриб чиқилади.

Шунингдек бевосита район (шаҳар) халқ судларида ишга қабул қилишдан бош тортиш тўғрисидаги меҳнат низолари:

а) бошқа корхона, муассаса, ташкилотдан ишга ўтказиш тартибида таклиф қилинган ходимларнинг аризасига биноан;

б) олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битирган ёш мутахассисларнинг, шунингдек ҳунар-техника билим юртини битирган ҳамда белгиланган тартибда мазкур корхонага, муассасага, ташкилотга ишга юборилган шахсларнинг аризасига биноан;

в) корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти Қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузишга мажбур бўлган бошқа шахсларнинг аризасига биноан кўриб чиқади.

22-модда. Ходим ўз ҳуқуқи бузилганини билган ёки билиши мумкин бўлган кундан бошлаб уч ой муддат ичида бевосита район (шаҳар) халқ судида меҳнат низосини ҳал қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади, ишдан бўшатиш хусусида эса ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ қўлига берилган кундан бошлаб бир ой муддатда ариза билан мурожаат қилинади.

Маъмуриятнинг корхонага, муассасага, ташкилотга етказилган зарарни ходимдан ундириб олиш тўғрисида судга мурожаат қилиши учун ходим етказилган зарарни аниқланган кундан бошлаб бир йил муддат белгилаб қўйилади.

23-модда. Ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар юзасидан район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилган тақдирда улар давлат фойдасига суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар.

VI. ИШДАН БЎШАТИШ ВА БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШГА ДОИР НИЗОЛАР ЮЗАСИДАН ҚАРОР ЧИҚАРИШ ВА ИЖРО ЭТИШ

24-модда. Ходим қонуний асос бўлмаган ҳолда ишдан бўшатилган ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда меҳнат низосини кўриб чиқувчи орган томонидан олдинги ишига тикланиши лозим.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган ишга тиклаш тўғрисида қарор чиқараётган пайтда бир вақтнинг ўзида ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақини ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган давридаги иш ҳақи тафовутини (бу давр уч ойдан ошмаслиги керак) тўлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишдан бўшатиш сабабининг таҳрифи нотўғри ёки амалдаги қонунга мувофиқ эмас, деб топилган тақдирда меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган уни ўзгартиришга ва қарорда ишдан бўшатиш сабабини амалдаги Қонун тарифига тўла мувофиқ равишда ва қонуннинг тегишли моддасини (бандини) кўрсатишга мажбур. Агар меҳнат дафтарчасидаги ишдан бўшатиш сабабининг нотўғри тарифи ходимнинг ишга киришига тўсқинлик қилган бўлса, меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган бир вақтнинг ўзида мажбурий прогул вақти учун унга ўртача иш ҳақини тўлаш тўғрисида (лекин бу вақт уч ойдан ошмаслиги керак) қарор қабул қилади.

25-модда. Ғайриқонуний асосда ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисида меҳнат низоларини кўриб чиқувчи орган томонидан қабул қилинган қарор дарҳол ижро этилиши лозим.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ғайриқонуний асосда ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарори ижросини кечиктирган тақдирда ходимни ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилган суд унга кечиктирилган вақт учун ўртача иш ҳақини ёки иш ҳақидаги тафовутни тўлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Юқори органнинг тегишли қарори ижроси кечиктирилган тақдирда кечиктирилган вақт учун ўртача иш ҳақини ёки иш ҳақидаги тафовутни тўлаш тўғрисидаги қарорни шу орган қабул қилади.

26-модда. Ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақини ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик даври учун иш ҳақидаги тафовутни тўлаш (ушбу Қонуннинг 24-моддаси) тўғрисидаги талаблардан ташқари пул талаб қилиш масалалари билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида низони кўриб чиқаётган орган ходимга унга тегишли бўлган пулни кўпи билан уч йил учун тўлаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақлидир.

СССР Олий Советининг қарори

«ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҲАМДА ССР ИТТИФОҚИНИНГ МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Якка меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишни кенгайтириш тўғрисидаги Қонун ҳамда ССР Иттифоқининг Меҳнат тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳалари биринчи муҳокамада маъқуллансин.

2. СССР Олий Совети қонунчилик комитети ва Иттифоқ Совети меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясининг СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС СССР Олий Советига тақдим этган қонун лойиҳалари асосида улар ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини меҳнат жамоаларида муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбар ходимларининг интизомий масъулияти тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, СССР Олий Совети муҳокамасига 1990 йил 1 октябрга қадар тақдим этсинлар, бунда ана шу раҳбар ходимлар меҳнат ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашни кўзда тутсинлар.

4. СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбар ходимларининг интизомий масъулияти тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, СССР Олий Совети муҳокамасига 1990 йил 1 октябрга қадар тақдим этсинлар, бунда ана шу раҳбар ходимлар меҳнат ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашни кўзда тутсинлар.

5. СССР Олий Советининг Қонунчилик комитети ва Иттифоқ Советининг Меҳнат, нарх ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси СССР халқ депутатлари киритган, меҳнат жамоаларида муҳокама қилиш чоғида тушган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб қонунларнинг лойиҳаларини пухта ишлаб чиқсинлар ҳамда уларни СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этсинлар.

СССР Олий Советининг раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 8 июнь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қонуни

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонуни асосларига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

«Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан 1961 йил 8 декабрда қабул қилинган СССР Қонуни билан (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1961 йил, 50-сон, 525-модда; 1981 йил 44-сон, 1184-модда) тасдиқланган ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролик Қонуни асосларига ўзгартиш киритилиб, 7-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7-модда. Фуқаролар шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш

Фуқаро ёки ташкилот ўзининг шани ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотларни, агар бундай маълумотларни тарқатганлар улар ҳақиқатга мос эканлигини исботлаб бермасалар, рад этишни суд орқали талаб қилишга ҳақлидир.

Агар ҳақиқатга мос бўлмаган ва фуқаро ёки ташкилотнинг шани ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, худди шу оммавий ахборот воситаларида рад этилиши лозим.

Агар ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаронинг шани ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар ташкилотдан келган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши лозим.

Доғ туширувчи маълумотларни рад этиш тартибини ўзга ҳолларда суд белгилаб беради.

Оммавий ахборот воситаларида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинган фуқаро ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасида ўз жавобини эълон қилишга ҳақлидир.

Фуқаро ёки ташкилотнинг оммавий ахборот воситасида раддия ёки жавобни эълон қилиш тўғрисидаги талаби, агар оммавий ахборот органи бундай раддия ёки жавобни эълон қилишдан бош тортган ёҳуд бир ой давомида эълон қилмаган бўлса, бундай ҳолларда суд томонидан кўриб чиқилади.

Агар суд қарори бажарилмаган бўлса, суд тартибни бузувчига жарима солишга ҳақлидир, жарима давлат фойдасига ундириб олинади. Жарима фуқаро судлов қонунларида белгилаб қўйилган миқдорда солинади. Жарима тўлаш суд қарорида кўзда тутилган ишни бажариш вазифасидан озод қилмайди».

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 12 июнь.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИ ЖУРНАЛ

ВАШИНГТОН. АҚШда чоп этила бошланган янги ойлик журнал «Совет савдоси янгиликлари» деб номланади. Журнали босиб чиқараётган Вашингтондаги «Шарқ-Ғарб» нашриёти вакилларининг хабар қилишича, у аввало СССР билан амалий алоқалар боғлашга интилаётган Америка компанияларига мўлжалланган.

Нашр саҳифалари ўз маҳсулотини АҚШга сотишга тайёр турган совет корхоналарининг эълонлари билан тўлдирилган: «Киев фирмаси ўз компьютер программалари учун бозор қидирмоқда», «Марказий Россиядаги завод саноат вакуум насосларинг таклиф қилади», «Москвадаги бирлашма электрни ўтказадиган резина сотади», «Украинадаги шаҳар чет элга сотиш учун қўйидаги маҳсулотларни таклиф қилади: электр двигателлар, шахта ускуналари, ноёб қазилма элементлари...».

«Америкаликлар кўп йиллар муқаддам, иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Япония ва Германияга қилинганидек, савдо соҳасида Совет Иттифоқига ёрдам қўлини чўзиб, қайта қуришга кўмаклашишлари мумкин, — дейди журнал нашири Мортон Грин. — Совет Иттифоқи савдо-сотиқда бизнинг энг катта шеригимиз бўлиши мумкин ва шундай бўлиши лозим».

Кузда нашриёт яна бир ойлик журнал — «Америка савдоси янгиликлари» журналини чиқаришни режалаштирмоқда. Бу журнал Совет Иттифоқида нашр қилиниб, унда совет корхоналари билан амалий алоқалар боғлашдан манфаатдор бўлган Америка компанияларининг эълонлари бериб борилади.

СССРдан КЕЛГАН НЕМИСЛАР УЧРАШУВИ

БОННН. Висбаденда немис миллатига мансуб собиқ СССР фуқароларининг икки кунлик анъанавий учрашуви бўлиб ўтди. Уни «Россиядан келган немислар уюшмаси» ташкил қилди. Ижтимоий бирлашма мақомига эга бўлган мазкур ташкилот ГФРда 40 йил муқаддам ташкил қилинган эди. Унинг мақсади оилаларнинг бирлашуви доирасида Совет Иттифоқи районларидан бу ерга кўчиб келган шахсларга амалий ёрдам беришдан иборатдир.

Кейинги йилларда ишимиз анча кўпайди, деб таъкидлади суҳбат чоғида ташкилот раҳбарларидан бири Антон Бош. Уюшмага қарийб 350 минг киши аъзо бўлган. Уларнинг деярли ярми ГФРга ўтган йили ва шу йил келган. Бошнинг фикрича, немисларнинг СССРдан оммавий равишда кўчиб кела бошлашига СССРда, аввало Ўрта Осиёда этник низоларнинг яшайдиган жойларидаги иқтисодий аҳволнинг ёмонлашгани, сиёсий беқарорлик, Поволжьеда улар учун автоном тузилма ташкил қилиш истиқболларининг ҳануз ноаниқ бўлиб қолаётгани сабаб бўлди.

СУД БОШЛАНДИ

ПРАГА. (ТАСС). Прага шаҳри биринчи районининг суди ЧКП Марказий Комитети ҳайъатининг собиқ аъзоси, Прага шаҳар партия комитетининг биринчи котиби М. Штепан ишини кўриб чиқа бошлади. У ўзига берилган ваколатдан ортиқча фойдаланиб, қонунга зид хатти-ҳаракат қилганликда айбланмоқда, деб хабар қилади ЧТК агентлиги.

Тергов вақтида пойтахт партия ташкилотининг собиқ раҳбари 1988 йил 28 октябрь куни Вацлав майдонида намойишни тарқатиб юбориш чоғида сув пуркагичлар ва кўздан ёш оқизадиган газ қўлланиш тўғрисида буйруқ берганлиги аниқланди. У, шунингдек 1989 йил 15 январь куни Прага марказида бўлган намойиш қатнашчиларидан 200 кишини шаҳардан 50 километр наридаги масофага олиб кетиш ҳақида ҳам фармойиш берган. Президент авфи таъсир қилмайдиган қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари учун судланувчи уч йилдан ўн йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Фаннинг турли-туман соҳаларига оид жуда кўп асарлар ёзиб, катта илмий мерос қолдирган Абу Райҳон Беруний мудом илмий ишлар билан банд бўлган, китоблар орасида доимо мутолаа қилиб кечани кеча, кундузни кундуз демай, илм-фан билан шуғулланган. Ёши ўтизга бормасиданоқ замонасининг пешқадам олимлари ҳайратда қоладиган китобини тугатган. Бу ажойиб асар ёш олимнинг нақадар чуқур билимли эканини эларо намоён этган. Мазкур асарда шарқ халқларининг тарихи, кунномаси, йил, ой, ҳафта номлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ишлатилиш усуллари баён этилган. Тасаввур қилиш учун шуни айтиш кифояки, ҳозир 1990 йил бўлса, бу жорий милодий йилдан олдин ҳам бошқа эралар бўлган. Ҳар бир халқ ўзича йил тутиш одатини қўллаган. Тарихий йил санаш подшоҳ ўлиши, ё туғилиши, ё сув тошқини, зилзила ва шунга ўхшаш катта воқеа ҳисобидан бошланган. Агар Тошкент зилзиласини шундай тарихга ўхшатиб ёзадиган бўлсак, бу йил ўшанга йигирма тўрт йил бўлди. Бир бола туғилганини белгилаш учун «Фалончи Тошкентда ер қимирлаганда икки ою бешкунлик эди», дейиладию, кейинги йигирма тўрт йилни қўшиб, унинг ёшини аниқлаш мумкин бўлади. Қадимги боболаримиз эра, тарихни шундай ҳисоблаганлар. Ўтмиш йилларни эслаш ва улар асосида иш юритишга ҳамма вақт зарурат бўлмаган, шунинг учун кўп қадимги эралар, тарихлар ўрнига янгиси келиб, эскиси унутилган. Чунончи, Язвигард эраси, Искандар эраси, Милодий, Ҳижрий каби эралар мавжуд.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпчилик қисмида Исонинг туғилганлигидан бошланган милодий (бу сўз арабча бўлиб, туғилган деган маънони билдиради) йил ишлатилади. Гарчи бу эрамизнинг аслидиний йўл билан бошланганини билдирса-да, кўпчилик тарихлар, воқеалар шу эра билан боғлиқ бўлгани учун ҳам биз унга амал қилиб келаяпмиз.

Маълумки, бобомиз Абу Райҳон Беруний юзлаб асарлар ёзган бўлсаям, ҳозирча борлари ўттиздан ошмайди. Бу асарларнинг ҳаммаси араб тилида битилган. Арабшунос олимларимиз унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия» каби йирик асарларини ўзбек ва рус тилларида нашр этдилар. «Фармакогнозия» — «Сайдана», «Минерология» каби лари эса рус тилида нашр этилди. Ибн Сино билан бўлган табиий фанларга оид савол-жавоблари ўзбек тилига қилинган таржимаси ва арабча асл матни билан биргаликда рус тилида алоҳида китоб бўлиб босилиб чиққан, астрономияга тегишли «Масъул қонуни» китоби рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган. Ундан ташқари, бу давр орасида улуғ бобомиз Беруний таржимаи ҳоли, ижодига бағишланган кўп китоб ва рисолалар чоп этилди.

Бундан бир минг етти йил аввал таваллуд топган Беруний йирик олим, забардаст мутафаккир эди. Афсуски, унинг ижодий мероси олимларга ҳали тўлатўкис маълум бўлганича йўқ. Ўзи ёзган ва таржима қилган асарлар етиб келмаган бўлса ҳам, аммо уларнинг номлари маълум. эҳтимол вақтлар келиб, авлодлар уларни излаб топиб ҳалқимизга тақдим этар. Бунинг учун Берунийни севиш, асарларини мутолаа қилиш керак. У ҳақда нима топилса ўқиш керак. Бир марта ўқиб тушунилмаса, қайта-қайта мутолаа қилиш лозим. Шунда ҳам бўлмаса, биладиганлардан сўраш жоиз. Эшитган бўлсангиз, улуғ бобомиз Ибн Сино ёшлигида Аристотелнинг бир асарини қирқ марта ўқиб тушунмабди, китоб ёд бўлибди ҳамки тушунолмабди, ниҳоят ватандошимиз Форобийнинг бу асарга ёзган шарҳ-изоҳ китобини топиб ўқигач тушунибди.

Буюк файласуф Форобий Аристотелнинг «Жон ҳақида» китобини ўқиган нусхаси топилган экан. Шу китоб четига «Мен бу китобни юз марта ўқидим», деб ёзиб қўйган экан. Аристотелнинг бошқа бир китобига эса Форобий «бу китобни қирқ марта ўқидим, лекин яна ўқишим керак», деб ёзиб қўйибди.

Буюк одам бўлиш қийин, лекин меҳнат қилинса, шу меҳнатни бошқалар тан олса, улуғлик бўлиши мумкин. Ҳалво деган билан оғиз ҳамчимас деганларидек, улуғ бўлиш ўйи-фикри билан буюк бўлиш мумкин эмас, улуғликни меҳнат яратади, меҳнат келтириб чиқаради. Шу меҳнатни, инсонни ўша китобий содда ҳолатидан шу даражага ўстириб, тараққий эттириб, ақлли-ҳушли, фаросатли тафаккур эгаси қилиб тарбиялабдими, ўз атроф муҳити, ердаги ишларни ўрганиб бўлиб, кўкдагига «дарча» очиб, ўз вакилларини юбора олибдими, демак, меҳнатни қадрламоқ керак. Шу меҳнат туфайли инсон улуғ бўлади, шу меҳнат туфайли инсон тўлиқ бўлади.

Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг кўп соҳаларида қалам тебратди, ажойиб олим бўлиш билан бирга зўр адиб, таржимон ҳам эди.

Берунийнинг адиблигини унинг асарини ўқиган ҳар бир ўқувчи пайқаши қийин эмас. У ўз асарларида ҳар хил муносабатлар билан жуда кўп масал, ҳикоялар битиб кетадики, булар орқали уни нозик дидли шоир, нафосати зўр адиб, сўзга чечан, қизиқчи, жуда катта воқеаларни «озгинаю созгина» қилиб ифодалай оладиган сўз санъаткори дейиш мумкин. У кўп масал, эртак, афсона ва ҳикоялар муаллифидир.

Чиндан ҳам илмий баҳслар ҳақида фикр билдирар экан, Беруний уларда ажойиб ўхшатишлар, истиоралар, образли гаплар билан ўзи айтмоқчи тушунчани соддагина қилиб ўқувчи кўз олдига келтириб қўяди.

Беруний меҳнатсевар инсон эди. Шу туфайли олижаноб, буюк олим, мутафаккир, донишманд бўлди. У араб, форс, сурёний, ҳинд каби тилларни мукаммал биларди, бу тиллардаги асарларни араб тилига таржима қилар эди, ўзига керакли ларини юнон тилида мутолаа қилиб, зарур парчаларни таржима қилиб оларди. Беруний Ҳиндистонга борганида қадимги ҳинд тилини ўз тилидай билган, бу тилда жуда кўп асарларни мутолаа қилган, ҳинд фани, адабиётини ўрганган, араб тилига таржима этган. Бу тенги йўқ олимни кўрган ҳинд етук олимлари у билан суҳбатлашиб, ҳайратда қолишган. Таниқли ҳинд олими С. К. Чаттержининг айтишига қараганда, Беруний ҳинд тилини шундай яхши билганки, ҳатто бундай кишиларнинг ўша тил эгаси бўлмиш ҳинд халқи ичидан чиқиши ҳам камдан-кам учрайдиган воқеа эди. Эрамизнинг 1040 йилларида, бизга маълум бўлишича, дейди Чаттержи, маданият оламида ҳинд, мусулмон ва эллин маданий меросини бир хилда чуқур, ҳар томонлама билган фақатгина бир киши бўлган, у ҳам бўлса Беруний эди. Бу эса ҳинд олимларининг унинг заковатига қойил қолганини кўрсатади.

Беруний араб тилида илмий асарлар ёзиш билан бирга шеър ҳам битган. У жуда кўп шеърни ёд билган, ўтмиш шоирларининг девонларини кўп мутолаа қилган, хуллас у ҳеч тиниб-тинчимаган бир инсон эди.

Олим ҳар вақт мулоҳазакор бўлган, чуқур ўйчан, ҳаёт воқеаларига бефарқ қарамайдиган, улар ҳақида ўз фикрларини битадиган инсон эди.

Беруний математика, астрономия, доричилик, минерология, геодезия, фалсафа, тарих каби фанларга оид асарлар ёзган. Унинг бу китобларини ўқиган ҳар бири киши буюклигини сидқидилдан тан олади. Минг йил олдин яшаб, дунёқараши тамоман бошқа муҳитда туриб, йигирманчи аср кишиси қалбини ақл-заковати билан эгаллаган, қойил қолдирган инсон чиндан ҳам буюкдир!

Беруний кўп ўқиб, мустақил фикр юритиб, ҳар бир ишга ақл билан ёндашган. Унинг олдида бойми, амирми, шоҳми, гадоми, фарқи бўлмаган, ҳаммага нисбатан бир хил назар билан қараган. У ҳамма вақт янгилик ахтарган, ҳар бир мулоҳазаси ҳозирги кунимиздаги буюк одамнинг фикридай равшан, аниқ, ҳакимона. Доим унда фикр булоқлари қайнаган, доим ажиб ўгит, насиҳатлар, тўғри ақлий йўлга етаклаш ўйи ҳукмрон бўлган. Бир тарихчининг ёзишича, Беруний ҳеч тиниб-тинчимаган одам экан. Доимо илмий иш билан шуғулланган, бирор марта унинг қўлини қаламсиз, кўзини бирор нарсани мутолаа қилиб турмаган ҳолида кўрмаган экан, доимо боши илм-фан билан банд бўлган, йилда фақат икки бор — ҳосил йиғиш ва Наврўз байрами кунлари ташқарига чиқиб, бозор-ўчарини қилиб, емагини ғамлаб олар экан. Бу тарихчининг айтганларидан хулоса шуки, Беруний вақтини бекорга сарф қилган эмас, ҳамма вақт, ҳар кун, соат, минутидан усталик билан фойдалана олган, қадрига ета олган, шу билан у буюк ишларни қилишга муяссар бўлган.

А. ИРИСОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

ҲИКОЯТ

ТИМСОҲЛИ ҚУЛ

Бир подшоҳ ўйлаб-ўйлаб олтинларини одам ёлламасдан асраш йўлини топибди. Шунда у олтинларини махсус идишга солар экан-да, тимсоҳлари кўп кўлга улоқтириб юборар экан. Агар шоҳ у ердан олтин олгиси келиб қолса, унинг одамлари ўша оролга борар экан-да, бақириб-ҳайқириб тимсоҳларни нарига ҳайдаб юборар экан, орол тимсоҳлардан бўшагач, олтиндан заруратига яраша олар экан.

Қўл остига ташланган олтин у ерда тинчгина сақланар экан. Кимки бу олтинларни ўғирлашни қасд қилгудай бўлса, тимсоҳларни ҳай-ҳайлаб бақириб-чақириб ҳайдаш учун оломон тўплаши керак экан, кейин улардан кўпи ҳоли қилиши ва шундагина ундаги тилладан ўғирлай олиши мумкин экан. Бегоналарга ундай қилиш имкони бўлмас экан. Шу сабабдан у ерда олтин яхши сақланар экан.

УЗАНГИ

Ҳиндистон ҳукмрони Чўлат ҳақида шуларни ҳикоя қилишади:

Унда катта бир ёқут парчаси бўлган экан. Ўша ёқутни ўзи минадиган от узангисига ўйиб ўрнатган экан. Подшоҳ уловини минмоқчи бўлиб қолгудай бўлса, икки оёғини гавҳарнинг устига қўйиб ўтирар экан. Подшоҳ от минаётганда икки мулозими келиб, ўша узангини тўрт томондан ушлашиб туришар экан-да, хачир бўйи келадиган баландликдаги тахти равонига кўтариб подшоҳни унга ўтказиб қўйишар экан.

ЧОЛ ВА ЧУМЧУҚ

Бир чол чумчуқ тутиб олибди. Шунда чумчуқ тилга кириб ҳалиги кишига:

— Мени нима қилмоқчисан? — дебди.

— Сўйиб емоқчиман, —жавоб берибди чол.

— Мен билан тўймайсан, — дебди чумчуқ, — чунки сенга ярим луқма ҳам бўлмайман. Борди-ю қўйиб юборсанг, сенга учта ҳикматли сўз айтиб бераман, амал қилсанг, ундан катта фойда кўрасан.

Чумчуқ айтган фикр чолга маъқул тушибди. Шу билан қасам ичишиб келишишибди. Кейин чол унга:

— Қани ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи! — дебди. Шунда чумчуқ:

— Ўтган ишга ҳеч қачон пушаймон қилма, қўлга киритишинг мумкин бўлмаган нарсага ҳаракат қилма, ақлинг ишонмайдиган ишга ҳеч ҳам ишонма, — дебди.

Чол ўзича ўйлаб:

— Буни ейишдан кўра, айтганини қилсам яхшироқ эмасми!— дебди ва чумчуқни бўшатиб юборибди.

Чумчуқ бўлса қафасдан чиқиб, учиб бориб деворга қўнибди. Шунда:

— Э чол, агар айтганингда қаттиқ туриб, мени сўйиб еганингда эдинг, ичимдан каптар тухумидай бир марварид чиқарди, — дебди чумчуқ чолга.

Чол буни эшитиб, чумчуқни қўйиб юборганига пушаймон қилибди. У чумчуқни алдаб, қайтариб қафасга солиб олмоқчи бўлиб, шунинг учун жон талвасасида чумчуққа қараб:

— Кел, қайт жойингга, мен сен учун кунжут уруғини тозалаб, муздек сув ҳам тайёрлаб қўйибман, — дебди.

Чумчуқ бўлса чолга қараб шундай дебди:

— Эй шўрлик одам боласи, сен мени сўя олмадинг ҳам, ея олмадинг ҳам, ҳатто мен айтган гапга амал ҳам қилолмадинг. Сен мени қўйиб юборганингга ачинаяпсан, уриниб мени ўз жойимга қайтармоқчи бўлаяпсан, лекин бу иш энди қўлингдан келмайди. Ундан кейин ўйлаб ҳам кўрмадинг, бутунлигимча каптар тухумидай келмайман-у, жиғилдоним қандай қилиб ўзидан катта нарсани сиғдира олади?

Чумчуқ шундай дебди-ю чол билан хайрлашиб қаёқларгадир учиб кетибди.

Чол ўйланганича, оғзини очиб анграйиб қолаверибди.

ЕМОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Бир киши, иттифоқо, ўзи танимаган бир гуруҳ билан ҳамроҳ бўлиб қолибди. Улар қароқчилар бўлиб, бир қишлоқни босиб хароб қилиб қайтишаётган экан. У киши ўғрилар билан озгина юрганидаёқ қидирувчилар етиб келиб, бутун гуруҳ қўлга олинибди, шулар ичида ҳалиги гуноҳсиз киши ҳам қўлга тушибди. Бу кишининг улар ишига шериклигилиги бўлмаса ҳам жазони баравар тортибди.

НОТЎҒРИ МАРДЛИК

Баъзан мардлик кўрсатаман деб одамлар қилган хатти-ҳаракат чалкаш бўлиб қолади. Шунинг учун ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди. Ҳур кишиларнинг олижаноблик хислатлари хўрликдан, пасткашликдан сақлайди. Бу хил одамлар ўзларининг баҳузурлигини илож борича кўрсатишга ҳаракат қилиб, қийналганини яширади. Ҳатто уларнинг аҳволини билмаганлар бойга йўйишади, чунки уларнинг сарф-харажатдаги бемалолчилигини, бадани, кийими тозалигини кўриб, уни бой, деб ўйлашади.

Футбол

ДАЪВОГАРЛАР

Ўтган сешанба куни ўтказилган икки учрашувдан сўнг жаҳон чемпионлиги унвони учун курашни давом эттирадиган яна икки терма команда аниқланди.

Дастлаб Испания ва Югославия футболчилари нимчорак финалида куч синашдилар. Биринчи бўлимда испанияликлар устунлик қилишларига қарамай, ҳисоб очилмади.

Танаффусдан сўнг ҳам ташаббус Испания футболчилари томонида бўлди. Лекин галдаги қарши ҳужумларнинг бирида югославияликлар муваффақиятга эришдилар. Ўйин тугашига беш минут қолганда Испания терма командаси ҳисобни тенглаштирди.

Қўшимча белгиланган вақтда иккинчи тўпни киритган югославияликлар умумҳисобда ғалаба қозониб (2:1), чорак финалга чиқдилар.

Англия—Бельгия матчида 1:0 ҳисоби қайд этилди.

КУРАШ ҚИЗҒИН

Иккинчи лига, шарқий зона командалари ўртасида пешқадамликни қўлга киритиш учун қизғин кураш бораяпти. Чунончи, ўтган турда олдинги ўринни эгаллаб турган Чимкентнинг «Мелиоратор» командаси Қўқонда маҳаллий «Автомобилист»дан 0:2 ҳисобида енгилди. Шунингдек, пешқадамлар гуруҳида бораётган Жамбулнинг «Химик» коллективи ҳам Барнаулда ана шундай ҳисобда мағлубиятга учради. Бу муваффақиятсизликдан сўнг «Химик» тўртинчи ўринга тушиб кетди.

Ўтган турдан сўнг тўпурарлар рўйхатида икки футболчи — қўрғонтепалик ҳужумчи Г. Ичевский ва жиззахлик ярим ҳимоячи О. Синелобов бошчилик қилишмоқда. Улар ҳисобида ўнтадан тўп бор.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БУҒДОЙНИ ЁНҒИНДАН АСРАНГ!

Ғаллани олов чангалидан эҳтиётлаб сақлаш ғаллакорларнинг муқаддас бурчидир. Шу мақсадда республика колхоз ва совхозларининг раҳбарлари далаларнинг кеча-ю **кундуз ишончли қўриқланишини таъминлашлари керак.**

Бу масъулиятли тадбирда фақат ғаллакорларгина эмас, балки аҳоли, қўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятининг аъзолари, маҳаллий мактабларнинг ўқувчилари, ёш ўт ўчирувчилар дружинасининг аъзолари ҳам фаол қатнашишлари лозим.

Умуман, ғалла йиғиб-териладиган ва сақланадиган жойларда ёнғиннинг олдини олиш учун барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш лозим.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: барча йиғим-терим комбайнлари, ҳосилни ташийдиган ҳамда уни йиғиш ва сақлаш жойи яқинида ишлайдиган тракторлар ва автомашиналар соз ҳолдаги учқун сўндиргичлар, ўт ўчиргичлар, сувли флягалар ва белкураклар билан албатта таъминланган бўлиши шарт. Қувват билан таъминлаш ва ўт олдириш системаси созланган бўлиши талаб этилади.

Совхозлар ва колхозларнинг ҳосил йиғим-теримида банд бўлган барча мутахассислари ва ишчилари ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билишлари ва унга қатъий амал қилишлари ёки ўт ўчириш техника минимуми курсини ўтишлари керак.

Ўриш мавсуми олдидан буғдойзорларнинг четларида бир чолғи ўроқ эни ҳажмида бўйлама ҳайдалган тупроқ саҳни билан 50 гектардан ортиқ бўлмаган майдонларга ажратиш керак. Бундай чегаралаш саҳнининг эни 10—12 метрдан иборат бўлиб, унинг ўртасидаги ерни (кўндалангига) эни 6 метрлик саҳн кўринишида ҳайдаб чиқилади.

Буғдойзорларнинг катта тош йўлларга туташ жойларини эни камида 1 метрлик саҳн кўринишида ҳайдалади.

Дала шийпонлари ва дала ошхоналарини буғдойзорлар, хирмонлар, буғдой ғарамлари, сомон, похол, пичан уюмлари ва иморатларга 150 метрдан яқин масофага жойлаштириш мумкин эмас.

Ёнувчан ва осон аланганланувчан суюқликлар сақланадиган жой ёнғинга қарши тўсиқлар (1—2 та ўт ўчиргич ва 2—3 та белкурак) билан жиҳозланган бўлиши керак.

Похолни аҳоли пунктлари ва омборлардан камида 150 метрлик масофада ғарамлаш тавсия этилади.

Ғарамлаш жойларини ҳайдаб қўйиш ҳамда сувли бочка ва челаклар билан таъминлаш керак.

ҚУИИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:

— буғдойзорлар, буғдой ва похол ғарамлари, хирмонлар ёнида ҳамда йиғим-терим машиналарида ишлаш пайтида чекиш (махсус ажратилган ва тегишлича жиҳозланган жойдагина чекишга рухсат этилади);

— ҳали ҳосили йиғиб олинмаган буғдойзорлар ва далалар, похол ғарамларидан 200 метрдан яқинроқ масофада гулхан ёқиш;

— иш тугагач, тракторлар ва комбайнларни далаларда қолдириш;

— тракторлар ва комбайнларнинг ёқилғи бакларига ҳосили йиғиб олинмаган майдонлардан камида 15 метр нарида ёқилғи қуйиш лозим;

— очиқ аланга воситасида йиғим-терим машиналарини тузатишни ва ёқувчан суюкликларда деталларни ювиш ишларини ҳосили йиғиб олинмаган, чўқиртаклари тозаланмаган майдонлардан камида 50 метр нарида ёки дала йўллари чеккасида бажариш керак;

— болаларга буғдойзорлар, ҳосили йиғилаётган экин майдонлари, похол ғарамлари ёнида ўйнашга рухсат бермаслик керак.

КАШШОФЛАР ЁЗИ СОЗ ЎТСИН

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даври авжида. Кўпчилик мактаб ўқувчилари қуёшли жумҳуриятимизнинг хушманзара бурчакларида жойлашган пионер оромгоҳларида дам алмоқдалар.

Олтин ёзнинг ҳақиқатан ҳам соз ўтиши учун раҳбарлар болаларнинг етиб келишини кутиб ўтирмасдан оромгоҳни ҳар тарафлама тахт қилиб қўйишлари, биринчи галда ёнғинга қарши тадбирлар тадоригини кўришлари керак.

Мавжуд низом ва намунавий қоидаларга мувофиқ шаҳар ташқарисида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёнғинга қарши тартибга риоя қилиш масъулияти шахсан раҳбарлар зиммасига юклатилади.

ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

Барча пионервожатийлар, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар билан ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларини ўрганиб чиқиш ва бу соҳада синов ўтказиб, улардан кўл қўйдириб олиш керак;

ҳар ойда қамида бир мартадан мунтазам равишда ёнғиннинг олдини олиш тўғрисида суҳбат ўтказиб туриш зарур;

жанговар ҳолатдаги кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинасини ташкил қилиш ва мавжуд низомга мувофиқ ҳолда уни иш билан таъминлаш;

олдиндан, то болалар етиб келгунга қадар ёнғин чиқиш ҳолларида хизмат қилувчи ходимлар орасида мажбуриятлар аниқ тақсимланган эвакуация планини ишлаб чиқиш;

пионер оромгоҳи ҳудудида, барча бинолар ва иморатларда қатъий ёнғинга қарши тартиб ўрнатиш ва бу режимни доимий равишда сақлаб туриш, ўт чиқиш хавфи бўлган ишларни ниҳоятда зарур ҳолатларда ўтказиш тартибини жорий этиш ва бунда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, болалар уйқуга кетгач, ётоқ корпусларини ва ишлар ниҳоясида ёрдамчи биноларни кўздан кечириш;

болалар жойлашган биноларда пиротехник (ёниб нур сочувчи) буюмлар, керосин, бензин, бўёқлар каби тез аланганлувчи ва бошқа ўт чиқиш хавфи бўлган моддалар ва материалларни сақлашга йўл қўймаслик;

электр ускуналаридаги электр симлари ва электр ситиш асбобларининг ҳолати устидан доим назорат қилиб бориш ҳамда фойдаланиш тақиқланган жойда уларнинг ишлатилишига йўл қўймаслик;

барча биноларни зарур ўт ўчириш ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш ва уларни доимий шай ҳолатда сақлаш. Улардан ўт ўчириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар хил хўжалик ва бошқа эҳтиёжлар йўлида фойдаланиш қатъий тақиқланади;

оммавий тадбирлар, кечалар, спектакллар, концертлар, киносеанслар ўтказилаётганда хавфсизлик чораларига риоя қилинишини таъминлаш, бундай тадбирлар пайтида кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси ва кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш;

эвакуация йўллари ҳолатини назорат қилиб бориш, йўлак ва зинапоя майдончаларини тўсиб қўймаслик, асосий ва эҳтиёт чиқиш эшикларини қулф билан беркитмаслик, аксинча уларга осон очиладиган илгаклар ўрнатиш;

ёнғин хавфсизлиги тадбирларини, дастлабки ўт ўчириш воситаларининг, махсус техниканинг ва бошқа оловга қарши кураш воситаларининг соз ҳолдалигини текшириш;

ҳудудни ўт олиб кетиши мумкин бўлган чиқиндилар, ахлатлар ва қуриган ўт-ўланлардан тозалаш;

гулхан ёқиш, ахлатларни ва ўраш материалларини ёндиришни тақиқлаш;

ўт ўчириш ҳандақларини ремонт қилиш ҳамда ёнғин техникаси ва автомашиналарни ишлашга тахт қилиб қўйиш;

корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудларида товар-моддий бойликларини омборларга жойлаштириш ва сақлашни ҳамда ана шу омборларга машинада бориш йўлларини тартибга келтириш, бу йўлларни ва йўлакларни ускуналар ва техника билан қалаштириб ташламаслик.

ЎЗБЕКИСТОН КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖУМҲУРИЯТ ЖАМИЯТИ.

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАЛАНГАНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАНДИР.

Фуқароларни корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига суғурта қилишнинг янгича шартлари айни шу мақсадларни рўёбга чиқаришга кўмаклашади!

Ҳайдовчиларни жамоа ҳолида суғурта қилдириш шартномаси бахтсиз ҳодиса натижасида шикастланган ҳайдовчига моддий ёрдам кўрсатилишини кафолатлайди.

Енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ва шаҳар электротранспорт воситаларининг ҳайдовчилари суғурта қилинадилар.

Ҳар бир ҳайдовчи учун энг кам суғурта пули —1000 сўм.

Суғурта бадали барча суғурта қилинган ҳайдовчилар умумий суғурта пулининг 0,5 фоизидан иборат.

Ҳуқуқни муҳофазалаш органларининг ходимлари ва уларга кўмаклашувчи ихтисослашган кўнгиллиларнинг иши хатарли ва машаққатлидир. Уларнинг моддий манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш отрядларининг аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилдириш шартномаси жорий этилди.

Бу шартномалар бўйича суғурта бадаллари корхона ва муассасаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек ижроия комитетлар томонидан — район бюджети ҳисобидан тўланади.

Спортчиларни бахтсиз ҳодисалардан сақлаш шартномалари бўйича бадаллар — спорт клублари ва жамиятлари, шунингдек уларни оталиққа олган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Бундай шартномани ўз вақтида тузиш — спортчи мусобақа ёки машқ пайтида жароҳатланган тақдирда зарур даволаш тадбирларини олиш имконияти демакдир.

Спортчиларни суғурта қилдириш шартномаси бир йилга, зарур ҳолларда, мусобақа, матч, турнирларнинг ўтказилиши вақтига ҳам тузилиши мумкин.

Ёшларни ишлашга жалб этувчи хўжалик ташкилотлари қурилиш отрядлари ва қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этаётган ёшларни жамоа ҳамда суғурта қилдириш шартномаси бўйича суғурта бадаллари тўлашни ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Бу—суғуртанинг янги тури. Унинг мақсади —ёшларнинг ижтимоий муҳофазаланганлигини юксалтириш, бахтсиз ҳодиса юз берганда жабрланувчига моддий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Яна бир янги суғурта тури — темир йўл транспорти ходимларини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилдиришдир. Суғурта бадаллари СССР Темир йўллар вазирлиги соҳасидаги ташкилотлар — темир йўллар, уларнинг бўлинмалари ёки мустақил таркибий бирликлари ва ҳоказоларнинг маблағлари ҳисобидан тузилади.

Энг кам суғурта пули—800 сўм.

Суғурта бадали —ҳар 100 сўмдан 25 тийинни ташкил этади.

Ҳаётни аралаш суғурта қилдиришнинг янги турлари—болалар интернат муассасаларининг тарбиячилари фойдасига ҳамда жанговар ҳаракатлар оқибатида I ва II группа ногирони бўлиб қолган байналмилалчи-жангчилар фойдасига хизмат қилади.

Бундай шартномаларни тузиш—инсоний меҳр-оқибат туйғуларининг амалда намоён қилинишидир.

Суғурта пули: суғуртанинг биринчи тури бўйича — 200, 300, 500 ёки 1000 сўм, иккинчи тури бўйича—1000 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р — 01398. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1215. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12